



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2025 йил 19 август, № 168 (9063)

Сешанба

Сайтмига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ОЛИМПИА ШАҲАРЧАСИ МАМЛАКАТИМИЗДА СПОРТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 август куни Тошкент шаҳрида куриб битказилган Олимпия шаҳарчаси, Юқори Чирчиқ туманидаги Миллий футбол маркази фаолияти ҳамда янги туризм инфратузилмаси объектлари билан танишди.



Мамлакатимизда кейинги йилларда барча соҳаларда кенг қўламли изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасини ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши, тадбиркорлик субъектлари сонининг кўпайиши, саноатдаги юқорида қамбағаллик даражасининг пасайиши каби

муҳим йўналишларда кўрмоқдамиз. Мустақиллик ҳалқимизга ана шундай эркинлик ва рўшноклик олиб келганини бугун кўп ёдга олмақдамиз. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрами шуқуни кезиб юрибди. Бай-

рам олдида турли ижтимоий соҳа объектлари ва бошқа иншоотлар куриб битказилмоқда. Бу ҳалқимизга хос қадрият — тўйга тўёна. Пойтахтимиздаги Олимпия шаҳарчасида ҳам ана шундай байрамона руҳ ҳукмрон. Давлатимиз раҳбари ушбу мажмуага ташриф буюрди. Унинг курилишига 2022 йил 9 но-

ябрда тамал тоши қўйилган эди. Ушунда давлатимиз раҳбари Олимпия шаҳарчаси ҳалқимизнинг юксак бунёдкорлик салоҳияти ва ўзбек спортининг оламшумул ютуқлари рамзига айланиши, меъморий жиҳатдан мукаммал, энергия тежамкор ва энг илғор инновацион ечимларни мужассам қилган замонавий мажмуа бўлишини таъкидлаганди.

Шундай ҳам бўлди — қисқа вақт ичида 100 гектардан зиёд майдонда муҳташам мажмуа қад ростлади. Қарийб 290 миллион долларлик ушбу ноёб лойиҳа «САМС Engineering» компанияси томонидан ҳалқор талабларга мувофиқ амалга оширилди.

Шаҳарчада 5 та асосий спорт мажмуаси жойлашган. Хусусан, Велодром мураккаб муҳандислик ечимлари асосида ўзига хос дизайнда қурилган. Унинг ёғоч қопламаси сифати, траекторияси ва бурилиш бурчаклари Халқаро Олимпия қўмитаси талабларига жавоб беради. Жумладан, йўлак энг мустаҳкам дарахтлардан ясалган, қаватма-қават ётқизилган. Бу сифат мунтазам сақланиши учун велодромда йил давомида бир хил ҳарорат таъминланади. Ҳатто велоспортчиларга ҳаво қаршичилигиغا инobatга олинган.

Трека ёруғлик бир хил ва тенг даражада тушади. Бу спортчиларга қулайлик бўлиши билан бирга, томоша ва телевизион трансляция меъёрларига ҳам мос. Уриндиқлар 2 минг 200 кишига мўлжалланган. Халқаро Олимпия қўмитасининг янги талаби бўйича томоша жойларига химоя тўсиғи ўрнатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

«ЎЗБЕКИСТОН, ОЗАРБАЙЖОН ВА ЕВРОПА: УМУМИЙ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА ҲАМКОРЛИК» МАВЗУСИДА ЎТАЁТГАН ЮҚОРИ ДАРАЖАДАГИ УЧРАШУВ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Низомий Ганжавий номидаги халқаро марказнинг хурматли ҳамраислари! Хонимлар ва жаноблар! Сиз, азизларни қадимий ва гўзал Ўзбекистон замининда самимий қутлашдан гоят мамнунман.

Биз ўз мамлакатларининг раванқига, халқаро ҳамкорлик ва ўзаро ишонччи мустаҳкамлашга беқиёс ҳисса қўшиб келаётган атоқли сиёсатчилар ва давлат арбоблари, халқаро ташкилотлар раҳбарларидан иборат нуфузли таркибни Тошкентда, бир даврада тўплаш бора-борда ташаббуси учун Низомий Ганжавий номидаги халқаро марказга чуқур миннатдорлик билдираман.

Ушбу марказ, улуг ўзбек шоири Алишер Навоий «шоирларнинг султони», деб таърифлаган буюк озарбайжон мутафаккири Низомий Ганжавийнинг бетакорр ижодий меросини асраб-авайлаш ва кенг тарғиб этишда муҳим ўрин тутиб келаётганини алоҳида қайд этмоқчиман.

Таъкидлаш керакки, Низомий Ганжавийнинг теран фалсафаси, одам ва олам ўртасидаги уйғунлик ҳамда адолат ҳақидаги ўлмас гоёлари доимо долзарб бўлиб, бугунги мураккаб шароитда янада катта аҳамият касб этмоқда.

Низомий Ганжавий номидаги марказнинг халқаро кун тартибидagi масалаларни ўрганишдаги фаол иштироки алоҳида эътиборга лойиқдир. Унинг шафелигида ҳар йили ўтказиб келинаётган Глобал Бокс форуми халқаро ва минтақавий тараққиётнинг энг долзарб муаммоларини ҳал этиш учун янги гоёлар илгари суриладиган, дунё миқёсида тан олинган нуфузли мулоқот майдонларидан бирига айланди.

Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ ўртасидаги ўзаро боғлиқлик масалалари, ушбу икки йирик минтақанинг Европа билан ҳамкорлик истиқболлари бугунги анжуманининг бош мавзуси этиб белгилангани гоят муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Биз буни ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик жараёнлари жадаллашиб бораётган Марказий Осиёни жаҳонга янада кенгроқ таништириш, минтақалараро ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш, шунингдек, Ўзбекистон ва Озарбайжоннинг салохият ҳамда имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш юзасидан фикр алмашиш учун ноёб имконият сифатида қабул қиламан.

Таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда Озарбайжон билан ўзаро ишонччи сифатли ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш руҳидаги муносабатларимиз фаол ривожланмоқда, Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома имзоланди, Давлатлараро олий кенгаш фаолият кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, Озарбайжон Марказий Осиё ва Европани боғлашда стратегик кўприк вазифасини бажариб келаётганини ҳам алоҳида қайд этишни истар эдим.

Бугунги форумда кўплаб вакиллари иштирок этаётган Европа билан муносабатларимиз ўзининг мутлақо янги ри-

вожланиш даврини бошидан кечираётганини қайд этмоқчиман.

Яқинда биз юртимизда илк бор «Марказий Осиё — Европа Иттифоқи» саммитини ўтказдик. Унда минтақамиз ва Европа Иттифоқи мамлакатлари ўртасида стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисида тарихий қарор қабул қилинди. Яқин ойларида Европа Иттифоқи билан Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзолаймиз.

Биз Европа Иттифоқи ва бошқа шерикларимиз билан биргаликда самарали транспорт-логистика ва энергетика йўлақларини ривожлантириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни давом эттираман. Ишонамизки, ушбу чора-тадбирлар минтақамизнинг Фарб ва Шарқ ўртасидаги хаб сифатидаги ролин қайта тиклаш имконини беради.

Биз Озарбайжон Республикаси Президенти хурматли Илҳом Ҳайдарович Алиевнинг янги умумминтақавий жараёнларни ривожлантиришда иштирок этишга тайёр эканини юқори баҳолаймиз ҳамда унинг Жанубий Кавказ ва Марказий Осиё ҳамкорлигини мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини юксак қадрлаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, дўст Озарбайжон халқини улкан тарихий ютуқ — яқинда Вашингтонда АҚШ воситачилигида Арманистон билан уч томонлама Қўша декларация имзолангани билан яна бир бор чин дилдан қўтлаймиз.

Хурматли анжуман иштирокчилари! Бугунги кунда Ўзбекистон жадал ислохотларни қатъий давом эттирмоқда ва биз бу йўлда улкан натижаларга эришдик. «Ўзбекистон — жаҳонга очик ва ўзи учун дунёни қашф этаётган мамлакат» деган тамойил ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин эгалламоқда.

Биз хорийқ ҳамкорлар ва халқаро ташкилотлар билан узок муддатли алоқаларини изчил мустаҳкамламоқдамиз, ҳамкорлик уфқларини кенгайтирмоқдамиз, янги илғор гоёлар учун ҳар доим очикимиз. Биз ҳуқуқий, дунёвий, демократик ва ижтимоий давлат бўлган Янги Ўзбекистонни барпо этиш сиёсатини изчил давом эттираман.

Ўзбекистон ва Марказий Осиё минтақаси ҳозирги мураккаб даврда халқаро ҳамжиҳатга бебаҳо бойлик — барқарорлик, ишонччи ва тараққиётни изчил давом эттираман.

Бугунги янги шароитда олдимизда ҳамкорлик бўйича кенг уфқлар очилмоқда, ўзаро манфаатли ва икки томонга ҳам фойда келтирадиган масалалар юзасидан биргаликда ишлаш учун янги имкониятлар пайдо бўлмоқда, деб ҳисоблайман. Бу борада сизларнинг қўллаб-қувватлашингиз ва келгусидаги ҳамкорлигингизга умид қиламан.

Бугунги нуфузли учрашувнинг барча иштирокчиларига самарали муҳоамалар ва анжуман ишига муваффақият тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТАДБИРКОРЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ВАКИЛЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, юртимизнинг иқтисодий қудрати ва экспорт салоҳиятини юксалтиришда салмоқли натижаларга эришаётгани, ташаббускорлиги, замонавий билим ва тажрибасини намоеъ этиб, инвестицияларни жалб қилиш, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатишни янада кенгайтириш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлаш йўлида алоҳида жонбозлик кўрсатаётгани, шунингдек, ўзининг муҳим илмий-амалий ишланмалари ва инновацион лойиҳалари билан бизнес соҳаси ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётгани учун қўйидагилар мукофотлансин:

«Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган тадбиркор»
фахрий унвони билан

Абдуллоев Камол Талатович — Самарқанд шаҳридаги «Sam Antep Gilam» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Самарқанд вилояти Исмоилов Абдуллохон Мамасобирович — Андижон туманидаги «Равон тараққиёт орзуси» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Андижон вилояти

Маматджанов Фарход Фахриддинович — «Uztex» тўқимачилик корхоналари гуруҳи директорлар кенгаши раиси

Хашимов Зафар Камилевич — Тошкент шаҳридаги «Anglesey Food» масъулияти чекланган жамияти кузатув кенгаши раиси

«Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган иxtирочи ва
рационализатор»
фахрий унвони билан

Раҳманбердиев Гаппар — Тошкент кимё-технология институтининг целлюлоза ва ёғочсозлик технологияси кафедраси профессори (Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

«ФАОЛ ТАДБИРКОР» КЎКРАК НИШОНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Миллий иқтисодиётимизда барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, юртимизда тадбиркорлик ривожини янги босқичга кўтариш, мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини юксалтириш борасидаги хизматлари, соҳага илғор инновацион, «яшил» ва рақамли технологияларни жорий этиш, инвестицияларни жалб қилиш, иш ўринлари яратиш, аҳоли фаровонлигини оширишга қўшган катта ҳиссаси, шунингдек, бизнесда эришаётган салмоқли натижалари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги муносиб иштироки учун қўйидагилар «Фаол тадбиркор» кўкрак нишони билан тақдирлансин:

Атаджанов Неъматжан Тахирович — Тўрткўл туманидаги «Реал монтж» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси
Ешанов Зулфат Қадирбергенович — Қонликўл туманидаги «Zamira Kazayakli» фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Жарилқасинов Руслан Хожобаевич — Шуманай туманидаги «Промсервис Шуманай» хусусий корхонаси раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси

Исмаилов Нурман Джанабаевич — Чимбой туманидаги яқна тартибдаги тадбиркор, хунарманд-ўтов ясовчи, Қорақалпоғистон Республикаси

Калжанов Сарсенбай Калбаевич — Нукус шаҳридаги «Jauhin Turon Super Servis» масъулияти чекланган жамияти директори, Қорақалпоғистон Республикаси

Хабидуллаев Хожикбер Малик ўғли — Нукус шаҳридаги «Nukus lak-bo'yoqlari» масъулияти чекланган жамияти директори, Қорақалпоғистон Республикаси

Атабеков Шахзод Ғайратович — Пахтабод туманидаги «The Besttex» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Андижон вилояти

Ахмедов Равшанбек Алижонович — Қўрғонтепа туманидаги «Оқсув» фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

Ибайдуллаев Улугбек Қурбоналиевич — Андижон туманидаги «City-Stroy» масъулияти чекланган жамияти директори, Андижон вилояти

Мирзаев Фарходжон Алижанович — Андижон туманидаги «Техно-инноватор» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Андижон вилояти

Моитов Хикматилло Хобибуллаевич — Жалақудуқ туманидаги «Ulug' qudrat sohibi» фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

Сипарова Светлана Геннадьевна — Олтинкўл туманидаги «Mark Formelle IT» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Андижон вилояти

Эшонхужаева Ноира Жўраевна — Хўжаобод туманидаги яқна тартибдаги тадбиркор, Андижон вилояти

Ғайбуллаев Дониёр Иштиёр ўғли — Шофиркон туманидаги хусусий ўқув маркази раҳбари, Бухоро вилояти

Қуватов Эламон Чориевич — Олот туманидаги «Вухоро Gold Star Moto» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Бухоро вилояти

Равшанов Абдулазиз Хамитович — Когон туманидаги «Паравшантранс» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Бухоро вилояти

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЭТИЛЕН ВА ПРОПИЛЕН ПОЛИМЕРЛАРИДАН ЮҚОРИ ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТГА ЭГА МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ МАҲАЛЛИЙ КОРХОНАЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарни сифатли ва арзон хомашё билан таъминлаш, юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотларни экспорт қилишни қўллаб-қувватлаш мақсадида қарор қиламан:

1. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ва белгиланган тартибда аниқ техник параметрлар асосида шакллантириладиган рўйхат бўйича республика ҳудудига олиб кириладиган полиэтилен гранулялари учун акциз солиғини 2025 йил 1 сентябрдан 2028 йил 1 январга қадар ноль ставкада қўллаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. 2028 йил 1 январга қадар айрим этилен полимерларининг бирламчи шакллари (ТИФ ТН коди 3901 10 900 0, 3901 30, 3901 40) ва пропилен полимерларининг бирламчи шакллари (ТИФ ТН коди 3902 10 000 0) импорт қилишда божхона божининг ноль ставкаси қўллансин.

3. Божхона қўмитаси Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги билан биргаликда мамлакатга сифатсиз контрафакт эгилувчан қадоқлар (полиэтилен плёнқалар, полипропилен плёнқалар, нотўқима материаллар, полиэтилен қоплар, биг-бэглар ва бошқалар) импортнинг олдини олиш (экс-оффицио принципи асосида) чораларини кўрсин.

4. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

а) бир ой мuddатда Солиқ кодексига мазкур қарорнинг 1-бандидан келиб чиқадиган ўзгаришни киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини;

б) 2025 йил 1 октябрга қадар полиэтилен грануляларини ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналар учун акциз солиғи солинишида импорт билан тенг шароитлар яратиш бўйича таклифларни Вазирлар Маъжмасига киритсин.

5. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш, унинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти тадбиркорлик субъектларига етказилиши ҳамда тушунтирилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ж. А. Ходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2025 йил 18 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИТАДБИРКОРЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҶА ВАКИЛЛАРИДАН
БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

«Фидокорона хизматлари учун»
ордени билан

Артиқходжаев Жаҳонгир Абидович — Тошкент шаҳридаги «Akfa Group» компаниялар гуруҳи асосчиси

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Абдурайимов Боходир Турсинович — Чортоқ туманидаги «Chartak Mineral Water» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Наманган вилояти

Бобоҷонов Дилшод Махмудович — Шофиркон туманидаги «Leichter Kamalak Textilien» қўшма корхонаси раҳбари, Бухоро вилояти

Мухторхонов Нуриддин Қомолидинович — Паркент туманидаги «Meridian Tempo» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент вилояти

Рўземухамедов Нурулла Суннатуллаевич — Олмазор туманидаги «N'medov» компаниялар гуруҳи таъсисчиси, Тошкент шаҳри

«Дўстлик» ордени билан

Аббосхўжаев Азизхўжа Авазхўжа ўғли — Олмазор туманидаги «Grand Pharm Trade» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

Абидов Темур Таштемирович — Шахрисабз шаҳридаги «Shakhrisabz Med Center» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Қашқадарё вилояти

Зокиров Фарходжон Латипович — Хўжаобод туманидаги «Ho'jaobod Fayz-M» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Андижон вилояти

Касимбаева Мадина Анваровна — Шайхонтохур туманидаги яқка тартибдаги тадбиркор, каштачилик-сўзана устаси, Тошкент шаҳри

Курдиани Николоз — «TBC Uzbekistan» бош директори

Махмудов Мурабит Адилханович — Зомин туманидаги «Zomin Brewery» масъулияти чекланган жамияти директорлар кенгаши раиси, Жиззах вилояти

Насиров Мурод Рашодович — Чилонзор туманидаги «Group of Navbahor» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

Садиков Рустам Насирович — Чилонзор туманидаги «Tarleplast» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

Салиева Палзада Жиенбаевна — Кегейли туманидаги «Арзӣў» кўп тармоқли фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Тўраев Зафар Суюнович — Ургут туманидаги «SXF Big Stroy Building» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Самарқанд вилояти

Эргашев Шухрат Шарипович — Булунғур туманидаги «Samarkand Garden plast» масъулияти чекланган жамияти директорлар кенгаши раиси, Самарқанд вилояти

«Шухрат» медали билан

Абдурахманов Илхомжон Турсунович — Пахтакор туманидаги «Paxtakor Teks» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Жиззах вилояти

Акрамов Мурод Икрамович — Зангиота туманидаги «Technologies of Real Time» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент вилояти

Алиев Шухратбек Эркинович — Асака туманидаги «Барака ҳамкор парранда» хусусий корхонаси раҳбари, Андижон вилояти

Амонов Мухтар Рахматович — Бухоро давлат университетининг кимё ва нефть-газ технологиялари кафедраси профессори, Бухоро вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОЙИШИ

«ФАОЛ ТАДБИРКОР» КЎКРАК НИШОНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Сайидова Дилнавоз Шавкатовна — Ғиждувон туманидаги «Ортиқ Дилнавоз» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Бухоро вилояти

Тўхтаев Эрдон Исоевич — Бухоро шаҳридаги «Rushan Teks» масъулияти чекланган жамияти директори, Бухоро вилояти

Файзиев Яхё Шарафович — Ромитан туманидаги «Файз — 2000» фермер хўжалиги бошлиғи, Бухоро вилояти

Чориев Маликбек Мухаммадович — Бухоро туманидаги «Sledorub» масъулияти чекланган жамияти директори, Бухоро вилояти

Байхуразов Суннатулла Раҳматкулович — Жиззах шаҳридаги «Maqsuda Nazokat» масъулияти чекланган жамияти директори, Жиззах вилояти

Джурбаева Комила Мавлановна — Зарбдор туманидаги «Зарбдор зирапчаси гул кўчатларини етиштириш томорқа хизмати» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Жиззах вилояти

Маннонов Умиджон Улугбек ўғли — Жиззах шаҳридаги «Euroasia gilamlari» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Жиззах вилояти

Мўминов Сардор Шухрат ўғли — Зафаробод туманидаги «Tasty Broyley Industry» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Жиззах вилояти

Суванова Юлдуз Усмонова — Жиззах шаҳридаги «Atlant Architects Group» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Жиззах вилояти

Тожибоев Мақсуд Махмудович — Зомин туманидаги «MJN Hous» хусусий корхонаси раҳбари, Жиззах вилояти

Ходжаев Рустам Махаммадалиевич — Бахмал туманидаги «Baxmal Natural Juice» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Жиззах вилояти

Астенова Мархаб Хуррамовна — Шахрисабз туманидаги «Hisor mebel» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Қашқадарё вилояти

Аъламов Азимиддин Аслонович — Касби туманидаги «Saidazimxon» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қашқадарё вилояти

Ганиев Санжар Худойбердиевич — Китоб туманидаги «Воҳа машаъли» масъулияти чекланган жамияти директори, Қашқадарё вилояти

Иногамджанов Давруг Давронович — Кўкдала туманидаги «Cotonella» масъулияти чекланган жамияти директори, Қашқадарё вилояти

Хуррамов Нодирбек Нормўминович — Миришкор туманидаги «Нормўмин ўғли Нодирбек» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қашқадарё вилояти

Эштемиров Собир Абдуллаевич — Кўкдала туманидаги «Comfort Industrial Area» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Қашқадарё вилояти

Гаппаров Хусниддин Шахридинович — Навоий шаҳридаги «Xovandamir Holding» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Навоий вилояти

Жумабоев Қудратжон Жумабой ўғли — Қизилтепа туманидаги «SVS Navoiy» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Навоий вилояти

Каримов Зоҳид Зоирович — Навбахор туманидаги «Navbahor Agrolimon» масъулияти чекланган жамияти директори, Навоий вилояти

Кендаев Элмурод Саидович — Кармана туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Навоий вилояти

Ташбенбетов Ержан Ермаханович — Конимех туманидаги «Kanimesh Max Drive» хусусий корхонаси раҳбари, Навоий вилояти

Умаров Шомурот Исломович — Навбахор туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Навоий вилояти

Азизов Абдуллоҳ Рустамжонович — Тўрақўрғон туманидаги «Gold Fresh Fruits» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Наманган вилояти

Аҳадов Аҳдам Акрамович — Янги Наманган туманидаги «Мехмаш» масъулияти чекланган жамияти директори, Наманган вилояти

Дадахонов Муртаза Турсунхонович — Косонсой туманидаги «Osmon sayuorasi» фермер хўжалиги бошлиғи, Наманган вилояти

Джурбаев Тоҳир Турашханович — Наманган шаҳридаги «Fazman Tekstil» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Наманган вилояти

Маюнов Илдоржон Хакимжонович — Давлатобод туманидаги «Anturage-tex» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Наманган вилояти

Муратов Бори Иргашевич — Чуст туманидаги «Megotan» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Наманган вилояти

Ходжиматов Баҳром Вахидович — Чуст туманидаги «Siberian Wellness-Namangan» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Наманган вилояти

Эргашев Хуршидбек Олдашевич — Поп туманидаги «Active Chorkeasg Light» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Наманган вилояти

Ганиев Феруз Нормаматович — Самарқанд туманидаги «Asia Carpet Textile» масъулияти чекланган жамияти директори, Самарқанд вилояти

Зайниев Мухриддин Мехрождин ўғли — Ургут туманидаги «Yes gilam» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Самарқанд вилояти

Илмуратов Қудрат Уролович — Пастдарғом туманидаги «Қудрат замин дурдонаси» фермер хўжалиги бошлиғи, Самарқанд вилояти

Казокова Мария Рафаиловна — Самарқанд шаҳридаги «Prime Ceramics» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Самарқанд вилояти

Каримов Абдунаби Абдухакимович — Каттақўрғон туманидаги «Нурли Миёнкал» фермер хўжалиги бошлиғи, Самарқанд вилояти

Норов Суннатулла Алимджанович — Ургут туманидаги «Gardencells» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Самарқанд вилояти

Ўролов Алишер Шухрат ўғли — Самарқанд шаҳридаги «Enjoy Fly» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Самарқанд вилояти

Хушиев Шоҳзоджон Инатилла ўғли — Нарпай туманидаги «Agro Gold Spring» фермер хўжалиги бошлиғи, Самарқанд вилояти

Юсубаев Азизбек Махаммадjon ўғли — Булунғур туманидаги «Samarkand Garden Plast» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Самарқанд вилояти

Ялғашев Бахтиёр Таштемирович — Оқдарё туманидаги «Meganat food dried fruits import-export trading LTD» хорижий корхонаси директори, Самарқанд вилояти

Ганиев Азиз Салимович — Гулистон шаҳридаги «Dop Miks» масъулияти чекланган жамияти директори, Сирдарё вилояти

Душабаев Ақмал Нурматович — Мирзаобод туманидаги «Navro'z total textile» масъулияти чекланган жамияти директори, Сирдарё вилояти

Ибрагимова Робия Шавкатовна — Ховос туманидаги «RS Success Agro» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Сирдарё вилояти

Қудузов Махмуд Саламович — Сирдарё туманидаги «River Med Pharm» масъулияти чекланган жамиятининг ишлаб чиқариш бўйича директори, Сирдарё вилояти

Маматкулов Жаҳонгир Арифджанович — Мирзаобод туманидаги «Fs Logistics» масъулияти чекланган жамияти директори, Сирдарё вилояти

Абдуқеримов Зафаржон Бахтиер ўғли — Термиз туманидаги «Termiz International Trade Centre» масъулияти чекланган жамияти директорининг ўринбосари, Сурхондарё вилояти

Аноров Шерзод Холмурзаевич — Термиз шаҳридаги «Me'mor Inter Stroy» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сурхондарё вилояти

Бабакулова Юлдуз Абдугаффаровна — Гулистон туманидаги «Юлдуз Абдугаффаровна» кўп тармоқли фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

Ботиров Акрам Гафурович — Давлатобод туманидаги «Interior Mega Max» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Наманган вилояти

Бурханходжаев Саидазим Вахидович — Америка Қўшма Штатларидаги «ITF Group LLC» логистика компанияси ижрочи директори

Ғозиева Дилноза Аҳмаджановна — Юнусобод туманидаги «Perfect Design Arh» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

Жалолов Элёржон Мадаминович — Кува туманидаги яқка тартибдаги тадбиркор, гул етиштирувчи, Фарғона вилояти

Илхомов Шухрат Шарифович — Қибрай туманидаги «Navruz International Corp» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент вилояти

Қарабаев Музаффар Махаммадалиевич — «Datasite Technology» ва «SiteLabs» компаниялари асосчиси

Керимбаев Ғайратдин Умарович — Тўрткўл туманидаги «115-Тўрткўл автокорхонаси» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Комилов Насимжон Қобилжонович — Самарқанд шаҳридаги «STD Health Med» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Самарқанд вилояти

Косимов Саёт Салимович — Когон туманидаги «Kogon Mars Plyus» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Бухоро вилояти

Қодиров Музаффар Мухитдинович — Яшнобод туманидаги «MEP Group» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

Мамутова Махира Аминадиновна — Нукус шаҳридаги «Good Cafe» оилавий корхонаси раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси

Джурбаев Баҳодир Исмаилович — Кумқўрғон туманидаги «Жозига мебель» хусусий корхонаси раҳбари, Сурхондарё вилояти

Очилов Муроджон Махаммадалиевич — Термиз туманидаги «Gold Dried Fruits Exports» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сурхондарё вилояти

Холмуinov Аҳоржон Илхомович — Денов туманидаги «Inter Prof City Stroy» масъулияти чекланган жамияти директори, Сурхондарё вилояти

Абдуллаев Жамшид Зафарович — Зангиота туманидаги «Zangiota tomorqa xizmati export» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент вилояти

Атаханов Абдурахим Латифович — Чирчиқ шаҳридаги «Alkim Tekstil» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент вилояти

Закиров Санжар Тахирович — Янгийўл туманидаги «International Paper» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент вилояти

Кушбаков Илхом Закиржонович — Бекобод туманидаги «Кўшбоқ ота» фермер хўжалиги бошлиғи, Тошкент вилояти

Мухсинов Фаёз Мунисович — Чирчиқ шаҳридаги «Indigo Garments» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент вилояти

Назаров Баҳрам Абсатарович — Оққўрғон туманидаги «Кўчкор чавандоз» фермер хўжалиги бошлиғи, Тошкент вилояти

Норматов Раъван Ишматович — Бўстонлиқ туманидаги «Osborn Textile» хорижий корхонаси директори, Тошкент вилояти

Жораяв Рустам Полатханович — Фарғона шаҳридаги «Zhongming Metal Products» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Фарғона вилояти

Закиров Камолиддин Юнусалиевич — Фарғона шаҳридаги «Хайрихон Камол орзу» оилавий корхонаси раҳбари, Фарғона вилояти

Ким Александр Вячеславович — Куvasой шаҳридаги «Quvasoyshifer Hrizotil» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Фарғона вилояти

Насимов Элмурод Воҳидович — Бувайда туманидаги «Wire cable system group» хусусий корхонаси раҳбари, Фарғона вилояти

Темиров Қурбонбек Абдумаликович — Фурқат туманидаги «Oybek Tempirov» фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

Тўхтабоев Орифжон Одилжонович — Ўзбекистон туманидаги «Star Genius» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Фарғона вилояти

Хамзаев Шавкат Хамидович — Учкўприк туманидаги «Great Kokand» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Фарғона вилояти

Джуманиязов Раҳим Илхамович — Урганч шаҳридаги «Matbaa Paper» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Хоразм вилояти

Мирзаева Лола Шавкатовна — Хива шаҳридаги «Khiva Plaza» масъулияти чекланган жамияти директори, Хоразм вилояти

Раҳимов Музаффар Бахрамович — Хива туманидаги «Khiva Silk Fabric» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Хоразм вилояти

Рўзметов Баҳодир Бойжонович — Янгиариқ туманидаги «Bahodir and sons» боғдорчилик фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

Рўзметов Хурсандбек Йўлдошевич — Янгиариқ туманидаги «Остона мебель сервис» хусусий корхонаси раҳбари, Хоразм вилояти

Рустамов Оллашқур Шухратович — Хива шаҳридаги «Sofa» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Хоразм вилояти

Абдуллаев Фаррух Хабибулла ўғли — Яққасарой туманидаги «Bellissimo Pizza International» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

Маҳматмуродов Шерзод Бекназарович — Қамаш туманидаги «Нурманова Хуршида» сабзавотчилик фермер хўжалиги бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Нуманова Ольга Леонидовна — «InFinBank» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси

Ражабов Ботир Жўраевич — Бандихон туманидаги «Омад» фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Рустамов Улугбек Шахзодович — Тошкент шаҳридаги «Click» масъулияти чекланган жамияти раҳбари

Саидкамалов Нохид Насиржонович — Андижон шаҳридаги «Grand Tehnolog» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Андижон вилояти

Сафаров Миржамол Абдисаматович — Қарши шаҳридаги «Қашқадарё махсус монтаж сервис» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Қашқадарё вилояти

Султанмуратова Гулнора Уруновна — Урганч шаҳридаги «Star Kids Plus» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Хоразм вилояти

Тухтаниязов Ботиржон Мухтарович — Тошкент туманидаги «Тўхтанияёв ота» фермер хўжалиги бошлиғи, Тошкент вилояти

Хакимов Мирхаёт Мирхамидович — Ангрен шаҳридаги «National Ceramics» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент вилояти

Хамидова Зарина Истамтошевна — Нурота туманидаги яқка тартибдаги тадбиркор, хунарманда-каштаси, Навоий вилояти

Хикматов Фуркат Шухратович — Паркент туманидаги «Batu Export» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент вилояти

Ходжаев Жасурбек Маждович — Тошкент шаҳридаги Инха университети профессори

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2025 йил 18 август

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2025 йил 18 август

Абдуллаев Элмурод Тохирмирзаевич — Юнусобод туманидаги «Sun-Hightech» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Тошкент шаҳри

Абдуллаева Франгиза Абдуллаевна — Ўзбекистон меҳмонхоналар уюшмаси раиси

Абидов Рустам Абдуқаҳарович — Тошкент шаҳридаги «Black Pilaf» масъулияти чекланган жамияти директори

Акрамов Алишер Джамшедович — Тошкент шаҳридаги «Sirovagnya Super Food» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси

Алимухамедов Алишер Бахтиярович — Бектемир туманидаги «Rio International» хусусий корхонаси директори, Тошкент шаҳри

Джалилов Отабек Зафарбекович — Миробод туманидаги «Avrud» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент шаҳри

Исаев Алишер Махмудходжаевич — Миробод туманидаги «Sales Doctro» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент шаҳри

Исмаилов Кахраман Камбулович — Тошкент шаҳридаги «SazanChik Premium» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси

Исраилова Гулчехра Баходировна — Ўзбекистон хусусий сайёҳлик ташкилотлари уюшмаси раиси

Қадилов Ровшан Бахрамович — Чилонзор туманидаги «Metal Processing Technology» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

Каримов Абдуғафур Абдуваҳобович — Чилонзор туманидаги «Radiks» масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри

Каримова Диора Орифовна — Миробод туманидаги «Artisan bread» масъулияти чекланган жамияти бош технологи, Тошкент шаҳри

Касимова Дилдора Мирғиёсовна — Тошкент шаҳридаги яқка тартибдаги тадбиркор, хунарманда-тикувчи

ОЛИМПИА ШАҲАРЧАСИ МАМЛАКАТИМИЗДА СПОРТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Шунингдек, мажмуа кўп функцияли бўлиб, бу ерда стол тенниси, қиличбозлик бўйича мусобақа ва машғулотлар ўтказиш ҳам мумкин. Бундай даражадаги велодром Ўзбекистонда биринчиси.

Мутасаддиларга худудларда шариоит яратиш, велоспортни ривожлантириш бўйича дастур тайёрлаш вазифаси қўйилди.

Президентимиз стол тенниси ҳаммабон, арзон ва қулай спорт эканини таъкидлаб, ҳар бир мактаб ва маҳаллада уни оммалаштириш, анжомларини ишлаб чиқариш юзасидан кўрсатмалар берди.

Шаҳарча марказида 12 минг ўринли стадион жойлашган. Халқаро турнирлар пайтида бу ерда тантанали маросимлар ташкил этилади. Асосийси, яшил майдон ва 9 қаторли югуриш йўлагига энгил атлетиканинг 48 та йўналиши бўйича мусобақалар ўтказилади. Жумладан, жаҳон чемпионати, Бриллиант лигаси, пара атлетика бахслари, кўзи оғирлар ўртасида IBSA ўйинларини ташкил этиш мумкин. Бошқа пайтларда стадиондан маҳаллий ўқув-йиғинлар, амалий машғулотлар орқали дуал таълимда фойдаланилади.

Стадиондаги тўрт қаватли бинода терма жамоалар мутахассислари ва спорт федерациялари фаолият юридади.

Энгил атлетика ва пара спорт турлари аҳоли саломатлигини мустақамлашда жуда самарали. Олимпия ва Осиё ўйинларида улар бўйича дастур ҳам кенг. Лекин юртимизда бу имкониятлар тўла ишга солинмаётгани кўрсатиб ўтилади.

Шу боис энгил атлетиканинг барча йўналишларини ривожлантириш бўйича топшириқ берилди. Унга кўра, вилоятлардаги стадионлар реконструкция қилиниб, энгил атлетика учун шароитлар яхшиланиди, хориждан мураббийлар олиб келинади, спортчилар маҳоратини ошириш мақсад қилиб қўйилади.

Улкан сув спорти саройи ҳам замонавий ва қулай. Унда 25х50 метрли сузиш ва 25х20 метрли сувга сакраш ҳавзалари, машғулотлар учун бассейн ва тренажёр заллари бор. Барча шариоит ва ўлчамлар халқаро олимпия стандарти талабларига жавоб беради.

Яқинда "World Aquatics" федерацияси делегацияси мажмуани кўриқдан ўтказди ва буни тасдиқлади. Яъни бу ерда сузиш, сувга сакраш, синхрон сузиш, сув полоси бўйича қитъа ва жаҳон чемпионатлари, Олимпия дастурдаги нуфузли мусобақаларни ташкил этиш имконияти бор.

Уларни 2 мингдан зиёд мусулманлар томоша қилиши мумкин.

Давлатимиз раҳбари сув спорт турларини ривожлантириш, халқаро турнирларда натижаларни яхшилаш бўйича ўз фикрларини билдирди.

Жамоавий ва яккакураш спорт турлари мажмуалари ҳам халқаро талаблар даражасида бунёд этилган. Уларнинг ҳар бири уч қаватли, 2 минг ўринли. Жумладан, биринчисидан волейбол, баскетбол ва гандбол бўйича машғулот ҳамда халқаро мусобақаларни ўтказиш мумкин. Яккакурашлар мажмуаси дзюдо, бокс, таэквондо каби спорт турларини ривожлантиришга асос бўлади.

Президентимиз шу ерда спортчилар билан суҳбатлашди.

— Халқаро мусобақаларда байроғимизни баланд кўтариб, мамлакатимиз ривожини намойён этиш мумкин. Сизнинг ҳар бир ютугингиз халқимиз учун катта гурур, ёшларимизга куч, далда. Бу ҳаракатларни давом эттириб, болаларни ортингиздан эргаштириб, спортимизни янада юксалтиришингизни тилаймиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Олимпия шаҳарчасида футбол, волейбол, теннис, чим устида хоккей, энгил атлетика каби 15 та очиқ майдон ҳам барпо этилди.

Бундан ташқари, 400 ўринли паралимпия ётоқхонаси, спорт тиббиёти илмий-амалий маркази қурилиши якуний босқичда.

Шаҳарчадаги барча иншоотлар энергия тежамкор бўлади. Автотурарголар устида қуёш панеллари ўрнатилади.

Олимпия шаҳарчаси — мамлакатимиз спортининг илмий, амалий, ўқув-машғулот маркази.

Бу ҳақда Президент Шавкат Мирзиёев 2023 йил 18 ноябрда Олимпия шаҳарчаси қурилиши билан танишув чоғида айтган эди.

— Бу ерда машғулотлар билан бирга спорт таълими, илми, тиббиёти мужассам бўлиши зарур. Яъни бу жой мамлакатимиз спортининг илмий, амалий, ўқув-машғулот маркази бўлади, — деган эди давлатимиз раҳбари.

Шунга мувофиқ, шаҳарчада Спорт вазирилик, Антидопинг агентлиги, Давлат спорт академияси, Жисмоний тарбия ва спорт илмий тадқиқотлар институти, Спорт турларини ривожлантириш маркази ҳам жойлаштирилган.

Бу галги ташриф чоғида Олимпия шаҳарчаси инфратузилмасидан самарали фойдаланиш режалари, спорт ташкилотларининг жойлашуви ва фаолияти бўйича ахборот берилди.

Авалло, шаҳарчада халқаро даражадаги мусобақалар ўтказилади. Иншоотлар ундан кейин ҳам бўшаб қолмайди. Мамлакатимиз терма жамоаларининг ўқув машғулотлари ташкил этилади. Федерациялар спорт мактаблари билан боғланади.

Худудда ва мажмуаларда юртдошларимиз ҳам спорт билан шуғулланиши мумкин бўлади.

Президентимиз шу ерда соҳа мутасаддилар ва спорт федерациялари раҳбарлари билан мулоқотда бўлди.

— Аввало, спортчиларимиз ва федерацияларни мана шундай маскан билан таъриқлайман. Бу билан ёш авлод саломатлигига, бўлажак ютуқларга катта пойдевор қурдик. Лекин бу ишинг энг осони. Қийини — спорт турларини оммалаштириш, профессионал спортчиларни тайёрлаш. Биз спортни ҳам саломатлик, ҳам натижадорлик нуктаи назаридан ривожлантириб борамиз. Худо хоҳласа, бундай Олимпия шаҳарчалари вилоятларда ҳам қурилади. Асосий мақсад — ёшларимизнинг соғлом ва баркамоллиги, — деди давлат раҳбари.

Маълумки, 2024 йилда Парижда ўтган Олимпия ва Паралимпия ўйинларида юртимиз спортчилари муваффақиятли иштирок этиб, умумжамоа ҳисобидан ҳар икки йўналишда 13-ўринни эгаллаган эди. Энди олимпия ҳаракатини янада ривожлантириш, келгусидаги мусобақаларда натижаларни ошириш мақсад қилинган.

Мамлакатимиз Президентининг шу йил 8 июлдаги қарори билан Ўзбекистон спортчиларини 2028 йилги Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёрлаш дастури қабул қилинди.

Бу йўналишдаги ишларни тизимли ташкил этиш мақсадида Миллий олимпия кўмитасининг 14 та худудий бўлими ташкил этилди. Қорақалпоғiston Республикаси Жўқорйи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Олимпия ҳаракатини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус вакили этиб белгиланди.

Ҳар бир худудга Спорт вазирилик ва Миллий олимпия кўмитасидан масъуллар бириктирилди.

Иқтидорли спортчиларни энг қуйи бўғиндан бошлаб саралаш ва профессионал этиб тайёрлаш учун уч босқичли "Янги Ўзбекистон Олимпия чўққилари" мусобақаси йўлга қўйилди.

Унинг финал босқичи ҳар йили Олимпия шаҳарчасида "Президент Олимпиадаси" сифатида ўтказилади. Ҳали ва совриндор спортчилар Олимпия марказларига жалб этилиб, профессионал тайёрланади.

Республика олимпия ва паралимпия марказининг фаолияти миллий терма жамоалар захирасини яратишга қаратилади. Ўқув-машғулотлар ўтказиб бориш учун Олимпия шаҳарчаси иншоотлари марказга бегараз асосда бириктирилади.

Шунингдек, атлетлар захирасини кенгайтириш мақсадида хусусий спорт клублари фаолияти такомиллаштирилиб, расмий мусобақалардаги иштироки таъминланади. Юқори натижа кўрсатган спортчилар миллий терма жамоаларга қабул қилиниши мумкин бўлади.

Президентимиз спорт турларини оммалаштириш масаласига алоҳида ургу берди.

— Мардлик, курашчанлик халқимизнинг қониди бор. Одамларимиз спортни яхши кўради. Буни қўллаб-қувватлаб, маҳалларда спортни янада оммалаштириш керак. Бунинг учун жойларда шариоит бор. Яна кураш, натижа ҳам оммавийликдан келиб чиқади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мутасаддиларга соҳани рақамлаштириш, спорт федерациялари фаолиятини кучайтириш, натижадор спорт турларини кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ туманида барпо этилган Миллий футбол марказини бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбари икки йил олдин бу ерга ташриф буюриб, мавжуд стадионга туташ худудда замонавий мажмуа бунёд этиш зарурлигини айтган эди. Кўп ўтмай, 2023 йил 3 ноябрда "Футбол-таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ҳамда халқаро стандартларга мос келадиган футбол инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори имзоланди.

Мажмуада профессионал футболчи ва мутахассисларни тайёрлаш учун тўртта тузилма ташкил этилди. Булар — Футбол мутахассисларини тайёрлаш ва илмий-тадқиқот маркази, Футбол терма жамоалари тайёргарлик маркази, Республика футбол академияси, Спорт тиббиёти ва реабилитация марказидир.

Президентимиз уларда яратилган шароитлар билан танишди.

Футбол тиббиёти ва реабилитацияси бўлимига хорижий ускуналар олиб келинган, энг илгор услублар ўзлаштирилган. Бу футболчиларга қисқа вақт ичида жисмонан тикланиш имкониятини беради.

Футбол академиясида ёш истеъодлар сараланиб, тарбияланади. Буни халқаро даражада ташкил этиш учун марказга Аргентина, Венгрия ва Хорватия каби давлатлардан мутахассислар жалб қилинган. Улар малакали мураббий, ҳакам, тахлилчи, селекционер ва футбол менежерларини тайёрлашда иштирок этмоқда. Мажмуада "VAR маркази" ҳам ташкил қилинган.

Давлатимиз раҳбари шу ерда спорт фахрийлари ва ёш футболчилар билан суҳбатлашди. Ўзбекистонда футбол энг оммавий спорт экани, уни ривожлантириш изчил давом эттирилиши таъкидланди.

Кейинги йилларда футбол тизими тубдан яхшиланди. Болалар футбол, тўғараклардан тортиб академиялар, жамоалар, чемпионатга эътибор кучайди. Натижалар бирин-кетин буй кўрсатмоқда. Уларнинг энг муҳими, Ватанимиз тарихида биринчи марта миллий терма жамоамиз жаҳон чемпионатида чиққани бўлди.

Яна бир шонли ютуқ апрелда Саудия Арабистонида бўлиб ўтган Осиё кубогига қўлга киритилди. 17 ёшгача бўлган ўсмирлар терма жамоамиз унда биринчи ўринни эгаллаб, жаҳон чемпионатида йўлланма олган эди.

Президентимиз ушбу қахрамон футболчиларимиз билан учрашиб, уларга меҳр-эътиборини изҳор қилди.

— Биз ҳамма соҳада дунёда муносиб ўрин эгаллашга интиляймиз. Спортчиларимиз буни тезроқ еткази олади. Сизлар иродали галабангиз билан халқимиз меҳнат қилса, ҳаракат қилса, ҳамма нарсга қодир эканини яна бир бор исботладингиз. Бутун дунё сизнинг тимсолингизда азму шижоатли, гурури баланд, ҳеч қачон интилишдан қайтмайдиган янги Ўзбекистон авлодини кўрди. Энди футболни хозиргидан ҳам икки-уч қара кўпроқ қўллаб-қувватлаймиз. Сиздек ёшлар халқимизнинг ишончли, Президентнинг қувончисизлар, — деди Шавкат Мирзиёев.

Спортчилар бу шариоитлар учун давлат раҳбарига миннатдорлик билдириб, халқимиз ишончини оқлашга ваъда беришди.

Мамлакатимизнинг туризм салоҳияти йилдан-йилга ошиб бораёти. Барча худудларда сайёҳлар кўпайиб, за-

монавий меҳмонхоналар ва туризм масканлари барпо этилмоқда.

Тошкент шаҳридаги "Янги Ўзбекистон" боғига ёндош қурилган замонавий меҳмонхоналар мажмуаси шу ишларнинг мантиқий давомидир.

Президент Шавкат Мирзиёев жойлардаги бунёдкорлик билан танишуви чоғида мазкур иншоотларни ҳам кўздан кечирди.

Бир пайтлар қаровсиз ётган манзиллар бугун обод масканга айланган. 8 гектардан зиёд майдонда 12 та замонавий меҳмонхона, 375 ўринли "Янги Тошкент" конференция зали, 310 ўринли ресторан, соғломлаштириш маркази ҳамда очиқ спорт майдони барпо этилган.

Меҳмонхоналарга Қорақалпоғистон ва вилоятлар номи берилган. Улар 3 юлдузли бўлиб, 5 қаватдан иборат, 62 та хона ва 124 ўринга эга. Мажмуа ягона концепция асосида фаолият юридади ва унинг бошқаруви халқаро тажрибага эга "Leo Hospitality Solutions", "Radisson Individuals", "Trademark Collection by Wyndham" каби нуфузли компанияларга топширилади.

Хусусий банклар шу каби мажмуалар бошқарувиغا шерик бўлиб кириш таклифини билдирди. Давлатимиз раҳбари хизмат соҳалари кенгайтиши, жойларда замонавий масканлар кўпайиши аҳоли фаровонлигига ҳисса қўшишини таъкидлади.

Меҳмонхоналар ресторани, анжуманлар зали ва дам олиш масканлари билан уйғун қурилгани хизмат қамровини оширади. Бу ерда юқори даражадаги тадбирлар ҳамда йирик халқаро анжуманлар ўтказилиши ҳам мумкин.

Мажмуада 540 та янги иш ўрни яратилиб, йилига ўртача 55 минг туристга хизмат кўрсатилиши кўзда тутилган. Бу ер маҳаллий ва хорижий сайёҳлар учун яна бир локация, Тошкент воҳасида туризм ривожини кўшимча туртки бўлади. Мажмуа қурилиши ортидан ён-атрофдаги маҳаллаларнинг инфратузилмаси ҳам яхшиланиб, аҳоли фаровонлиги таъминланади.

Давлатимиз раҳбари мажмуада хизмат турларини кўпайтириш ва сифатини ошириш, маҳаллий ва хорижий сайёҳларни жалб этиш масалаларига эътибор қаратади. Бундай кўп тармоқли хизматларни бошқа худудларда ҳам кенг йўлга қўйиш муҳимлиги таъкидланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, Икром АВВАЛБЕКОВ, Абдулазиз РУСТАМОВ, Бехруз ХУДОЙБЕРДИЕВ, Ўза мухбирлари.

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО МУЛОҚОТ КЕНГАЯДИ

18 август куни Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги парламент делегацияси Қозоғистон Республикаси Парламенти Сенати Раиси Маулен Ашимбаевнинг таклифига биноан Остона шаҳрига келди.

Хамкорлик

Ташриф доирасида Қозоғистон Республикаси Парламенти Сенати Раиси Маулен Ашимбаевнинг 2025-2026 йилларга

мўлжалланган ҳамкорликни ривожлантириш бўйича "Йўл харитаси"ни имзолаш режалаштирилган. Хужжат парламентлараро мулоқотни мустақамлаш ва икки томонлама кун тартибидидаги долзарб масалалар бўйича ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган.

Ташриф дастурига мувофиқ Олий Мажлис Се-

нати Раиси Танзила Норбоеванинг Қозоғистон Республикаси Парламенти Сенати Раиси Маулен Ашимбаев, Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажлиси Раиси Ерлан Кошанов, шунингдек, Қозоғистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хотин-қизлар ва оилавий-демографик сиёсат ишлари бўйича миллий

комиссия аъзолари билан учрашуви назарда тутилган. Делегация аъзолари Ўзбекистон ва Қозоғистон илмий-ижодий зиёллари-нинг биринчи форумида ҳам иштирок этади, шунингдек, "Остона" халқаро молия маркази фаолияти билан танишади.

«Халқ сўзи».

ЎЗАРО АЛОҚАЛАР — ЯНГИ БОСҚИЧДА

Ўзбекистон парламенти делегациясининг Қозоғистон Республикасига расмий ташрифи доирасида Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева ва Қозоғистон Республикаси Парламенти Сенати Раиси Маулен Ашимбаев ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Учрашув

Мулоқотда парламентлараро алоқаларни янада чуқурлаштиришга доир кенг қўламли масалалар, шунингдек, сиёсий, иқтисодий, гуманитар ва минтақавий соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликнинг устувор йўналишлари муҳокама қилинди.

Суҳбат чоғида икки давлат раҳбарларининг қатъий сиёсий иродаси туфайли Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатлари ҳар томонлама стратегик шериклик ва иттифоқчилик дара-

жасига кўтарилгани таъкидланди.

Парламентлараро муносабатлар ҳам икки, ҳам кўп томонлама шаклда янги босқичга кўтарилгани таъкидланди. Марказий Осиё мамлакатларининг II парламентлараро форуми якунлари ва Қозоғистон делегациясининг Парламентлараро Иттифоқнинг 150-ассамблеясида иштироки юқори баҳоланди.

Навбатдаги мажлиси жорий йилнинг тўртинчи чорагида Ўзбекистонда ўтказиладиган икки мамлакат Сенатлари ўртасидаги ҳамкорлик бўйича парламентлараро комиссиянинг самарали фаолияти қайд этилди.

Шунингдек, томонлар иккала давлат Сенатлари ҳузуридаги Барқарор ривожланиш соҳасидаги мақсад ва вазифалар амалга оширилишини назорат қилиш бўйича Парламент комиссиялари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш истиқболларини ҳам муҳокама қилди.

Учрашув якунида парламентлараро мулоқотни чуқурлаштириш ва халқаро майдонда қўшма ташаббусларни илгари суришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қозоғистон Республикаси Парламенти Сенати ўртасида 2025-2026 йилларга мўлжалланган ҳамкорликни ривожлантириш бўйича "Йўл харитаси" имзоланди.

Шунингдек, ташриф доирасида Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Қозоғистон

Республикаси Парламенти Мажлиси Раиси Ерлан Кошанов билан ҳам учрашув ўтказди.

Конструктив мулоқот давомида томонлар парламентлараро ҳамкорликни янада ривожлантириш, икки томонлама алоқаларни мустақамлаш ва олий даражада эришилган муҳим келишувларни амалга ошириш масалаларини муҳокама қилди.

Қонун чиқарувчи органлар фаолиятини такомиллаштириш, парламент институти ва маҳаллий вакиллик органлари салоҳиятини ошириш борасида тажриба алмашиш муҳимлиги қайд этилди. Шунингдек, аралаш сайлов тизимини жорий қилиш ва парламент ваколатларини кенгайтиришга ёндашувларда ўхшашлик мавжудлиги таъкидланди.

Халқаро парламент майдонларида, шу жумладан, Парламентлараро Иттифоқ, ЕХТХ Парламент Ассамблеяси, МДХ ПА доирасидаги ҳамкорлик истиқболлари ҳам муҳокама қилинди.

«Халқ сўзи».

«Financial Times»:

ЎЗБЕКИСТОН ЎЗГАРИШЛАРНИ БОШДАН КЕЧИРАЁТГАН ДАВЛАТ СИФАТИДА УЗОҚ ЙЎЛНИ БОСИБ ЎТДИ

Британиянинг нуфузли "Financial Times" газетасида "Ўзбекистон ўзини юқори ўсиш салоҳиятига эга бозор сифатида кўрсатмоқда" сарлавҳали мақола эълон қилинди.

Дунё нигоҳи

"Ўзбекистон ҳали кўп инвесторлар харитасида бўлмаган бўлса-да, 1,5 миллиард долларлик суверен евробондлар чиқарилиши, давлат активларини 1,7 миллиард долларга хусусийлаштириш режалари ва трансчегаравий финтех битими бу ўзгаришларга умид уйғотмоқда, — деб ёзилган мақола муқаддимасида. — Минтақадаги энг кўп аҳолига эга ушбу Марказий Осиё давлатининг инвестиция файлида бир неча йирик келишувлар бор".

Муаллиф таъкидига кўра, чегара бозорлар ривожланаётган, бозорлар туғайдиган жойда бошланади. Бу эса юқори ўсиш салоҳиятини, шу билан бирга, жиддий хавфларни ҳам юзга келтиради. Бундай мамлакатларда инвестициялар ҳажми ҳали ҳам кичик бўлиб, хориж капитални учун саноятни очиб кўпинча ҳали ҳам давом этмоқда. Бироқ бундай бозорлар яқинда кучли кўрсаткичларни кўрсатди.

"2016 йилгача халқаро миқёсда яқинлашиб қолган Ўзбекистон бугунги воқеалардан яхши хабардор. Президент Шавкат Мирзиёев вазиятни босқичма-босқич ўзгартирмоқда. У илҳомлар ўтказмоқда, валюта келювларини олиб ташламоқда", дея урғулانган материалда.

Натижада Ўзбекистондаги вазият сезиларли даражада яхшиланди. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кўпаймоқда, стартаплар пайдо бўлмоқда. Ўтган ой "Click" тўлов иловаси сармоядорлари ўз акцияларининг бир

қисмини қозоғистонликларга тегишли маҳаллий банк акцияларига алмаштиришга рози бўлди. Агар битим тартибга солувчи органлар томонидан тасдиқланса, "Click" иловаси самарали равишда жисмоний банк хизматига эга бўлади.

Таъкидланганидек, хусусийлаштириш режалари улкан. Узоқ муддатли мақсадда иқтисодийётдаги хусусий сектор улшини хозирги тахминан 50 фоиздан 85 фоизга ошириш, 17 та давлат монополияси ва қатор давлат корхоналарини туғатиш назарда тутилган.

"Бироқ булар аста-секин содир бўлади. 1,7 миллиард долларлик активлар халқаро бозорларга чиқарилади. Ўзбекистон Миллий инвестиция жағмармаси АҚШнинг "Franklin Templeton" компаниясини томонидан бошқарилади. У Руминиянинг "Fondul Proprietatea" компанияси намунаси бўлиб, сўнгги беш йил ичида қиймати икки баравар ошди", деб қайд этилган манбада.

Шунингдек, Лондонда облигацияларини чиқарган дунёдаги тўртинчи йирик олтин ишлаб чиқарувчи "Навоий кон-металлургия комбинати" ва Олмалик мис заводининг илк муваффақиятлари янги IPOга йўл очмоқда. АҚШ Давлат департаменти маълумотларига кўра америкалик инвесторлар Ўзбекистонга тобора кўпроқ кизиқиш билдирмоқда.

Мақола "Ўзбекистон ўзгаришларини бошдан кечираётган давлат сифатида узоқ йўлни босиб ўтди", деган сўзлар билан якунланган.

«Дунё» АА. Лондон

Тошкент вилоятида икки мингга яқин иш ўринлари яратиладиган агросаноат лойиҳаси амалга оширилади.

Сиёсий партиялар фракцияларида

ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАРДА ИНСОН МАНФААТЛАРИ УСТУВОР

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда куйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилган қатор қонун лойиҳалари атрофида кўриб чиқилди.



Ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш, давлат бошқаруви ва назоратининг самарали йўлга қўйилишини таъминлашга хизмат қилиши эътиборга олиниб, қўллаб-қувватланди.

Узбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси йиғилишида "Узбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда давлат органлари ва ташкилотларининг масъулияти-ни янада кучайтириш ҳамда соҳада илҳом бошқарув тизимини шакллантиришга доир кенг қамровли ислохотлар амалга оширилди.

Лойиҳада амалдаги бир қатор қонун ҳужжатларини ўзаро мувофиқлаштириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатларини кўриб чиқиш механизмларини такомиллаштириш, интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш ҳамда товар белгилари ва патент божи тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш назарда тутилмоқда.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасининг зарурати тўхталди, унинг айрим нормалари юзасидан аниқлаштирувчи саволларни ўртага ташлади. Мисол учун, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари учун қўшимча қўлайлик яратиш мақсадида фаолияти йўлга қўйилган Call-марказ ва "Ишонч телефони"дан бугунги кунда кенг фойдаланиб келинаётганига уруғ берилди, қонун лойиҳасида бу тушунчалар қай даражада мустақамланайётгани юзасидан исхот сўралди.

Қонун ташаббускорлари берилган саволларга аниқ жавоб қайтарди. Йиғилишда қонун лойиҳаси муносабатлар билан ишлаш жараёнини тезкор ва шаффоф бўлиши, интеллектуал мулк соҳасида ҳуқуқий муҳофаза даражасининг ошиши ҳамда бизнес юритиш учун қўлай ҳуқуқий муҳит яратиш каби мақсадларни назарда тутгани билан аҳами-

лаштиришга қаратилган ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисидаги қонун кенг муҳокамага сабаб бўлди.

Масъул қўмита қонун бўйича келишув комиссиясини тузиш тақлифини илгари суриб, фракция аъзоларидан қўллаб-қувватлашни сўради.

Қонун тартибига мувофиқ кўриб чиқилган қонун лойиҳалари ҳамда парламент назорати оид масалалар қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимояси, соғлиқни сақлаш ва спорт соҳасини ривожлантиришга хизмат қилиши қайд этилиб, маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилинди.

Узбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида "Узбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси атрофида муҳокама қилинди.

У мамлакатимизда қонунчилик тизимини янада такомиллаштириш ва ҳуқуқий механизмларни замон талабларига мослаштиришга қаратилган.

Қонун лойиҳасида "Ишонч телефони" тушунчасига изоҳ берилиб, уни — жисмоний ва юридик шахслардан уларнинг қонуний ҳуқуқлари, эркинликларини қўллаб-қувватлаш таъминлаш масалалари бўйича аризалар, тақлифлар ва шикоятларни қабул қилиш учун телефон алоқасининг махсус линияси сифатида назарда тутиш белгиланган.

Муҳокама давомида фракция аъзоси Дилдора Камолова лойиҳанинг аҳамияти, аниқ чорда заруратига эътибор қаратиб, унда назарда тутилган аниқ нормалар бўйича аниқлаштирувчи саволлар берди.

Қонун ташаббускорлари қонун лойиҳасида баъзи қисмларни аниқлаштириш бериб, мазкур қонун ҳужжатларининг давлат органларининг ёхуд уларнинг зарарининг ўрни қоплаши лойиҳада ҳеч қандай истисноси, аниқ белгилаб қўйилиши лозим.

Шунингдек, қайта кўриб чиқилган "Узбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига аҳолига тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмига қараганда хизматларни кўрсатиш, шунингдек, тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг касбий фаолиятини амалга ошириш тизимини такомил-

Биз сув ресурсларини тежаш мақсадида ирригация тизимларини бетонлаштиряпмиз. Сувни тежайдиган технологияларни ишлаб чиқариш бўйича саноат базасини яратдик, суғориладиган ерларнинг деярли ярмида ана шундай технологияларни жорий этдик. Бундай чора-тадбирлар натижасида ўтган йили 8 миллиард метр куб сувни тежашга муваффақ бўлдик.

Шавкат МИРЗИЁЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

КЕЛАЖАК СУВГА БЎЛГАН МУНОСАБАТИМИЗГА БОҒЛИҚ

Ҳаёт учун энг зарур ресурс — сувга бўлган талаб дунё бўйича тобора ортиб, унинг қадри ва қиймати ўсиб борапти. Олиб борилаётган тадқиқот ва таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, ушбу ҳолат саноатлашув, глобал иқлим ўзгариши таъсирида ҳароратнинг кўтарилиши, музликларнинг эриши, ёғингарчилик миқдорининг камайиши, курғоқчилик, аҳоли сонининг кўпайиши, озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёжнинг кучайиши каби турли омиллар билан изоҳланмоқда.

Ислохот

Сўнгги йилларда Европа давлатлари ёз мавсумида кучли курғоқчиликни бошдан кечирапти. Мисол учун шу йилнинг август ойи бошларида Руминия ва Сербияда ер ости сувлари сатҳи пасайиб кетиб, курғоқчиликдан экинлар қуриб бошлаган. Германия, Франция, Буюк Британия каби кўп мамлакатлар қаторида Марказий Осиё минтақасида ҳам сув танқислиги йилдан-йилга кучлироқ сезилаяпти. Дарё ва сойлардаги сув миқдорлари камайиб бормоқда.

Жорий йилнинг 14 август куни Қозғоғистоннинг Остона шаҳрида бўлиб ўтган Давлатлараро сув ҳўжалигини мувофиқлаштириш комиссиясининг 90-йиғилишида иштирокчиларга Ўзбекистоннинг Сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2025 — 2028 йилларга мўлжалланган дастури ҳақида ахборот берилди.

Ўзбекистонда суғориш тармоқларини таъмирлаш, сув тежовчи технологияларни жорий қилишга 2020 — 2024 йилларда 60 трлн. сўм бюджет маблағлари ҳамда 622 млн. АҚШ долларлик хорижий инвестиция йўналтирилди. Натижада 2020 йилда сув тежовчи технологиялар қўлланган майдонлар жами суғориладиган майдонларга нисбатан 4 фоизни ташкил этган бўлса, 2025 йилда бу кўрсаткич 50 фоиздан ошди.

Яна 1 млн. 400 минг гектар ерда сув тежовчи, шу жумладан, 293 минг гектарда томчилатиб суғориш технологияси жорий этилади. Сув таъминоти даражаси паст бўлган суғориладиган майдонлар ҳажмининг 424 минг гектардан 276 минг гектаргача камайиши кўзда тутилган.

Дастурда ирригация тармоқларининг 2 551 км. қисмини реконструкция қилиш, ушбу мақсадлар учун ҳар йили Давлат бюджетидан камида 1,3 трлн. сўм ажратиш ва халқаро молия институтлари маблағларидан 300 млн. доллар ўзлаштириш белгиланган.

Сув ҳўжалиги вазирлиги балансидаги насос станцияларининг эскирган 562 та насос ва 578 та электр двигатели замонавий ҳамда энергия тежамкорларига алмаштирилади. Бунинг ҳисобига уларнинг йиллик электр энергияси сарфи 6,8 млрд. кВт/соатдан 6,2 млрд. кВт/соатгача камайирилади. Каналларни бетонлаштириш ва насосларни модернизациялаш ишларига чет эл инвестицияларини жалб қилишга асосий вазифа сифатида эътибор қаратилади.

Дастурда нафақат соҳа олдидagi тўрт йиллик муҳим кўрсаткичлар, шу билан бирга, бажариладиган тадбирлар, молиялаштириш манбалари аниқ белгиланган кўшни давлатларнинг сув ҳўжалиги мутахассисларида катта таассурот қолдириди. Ўзбекистон раҳбари бутун минтақа халқлари фаровонлиги учун қайғураётганлиги таъкидланди.

Президентимиз шу йил апрель ойда Самарқанд халқаро иқлим форумидаги нутқида Марказий Осиёда сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш борасидаги сайё-ҳаракатларни бирлаштириш ва бу соҳада минтақавий дастурни ишга тушириш ташаббуси билан чиққан эди.

Қувонарлики, бу борадаги амалий ишлар аллақачон бошланиб кетди. Яқинда тожикистонлик бир гуруҳ мутахассислар учун Тошкентдаги Сувчилар мактабида тренинг ташкил қилинди. Уларга Ўзбекистонда сув тежовчи технологияларни жорий этишда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари, "Suvkredit", "Agrosubsidiya", "Tomchi" дастурий таъминоти ва мобил иловалари, субсидиялар бериш тартиби ва Ягона электрон реестрдан фойдаланиш ҳақида батафсил маълумот берилди. Бу эса меҳмонларда катта таассурот қолдириди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 12 август куни сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришга оид тақлифлар



тақдимоти билан танишув чоғида таъкидлаганидек, сув ҳўжалиги соҳасида кескин ўзгариш қилишининг бирдан-бир йўли — рақамлаштириш. Бу орқали шаффофлик, аниқлик таъминланади, коррупциянинг олди олинади.

Шу боис "Ўзбекистон — 2030" стратегияси билан сув ҳўжалигини ривожлантириш концепциясида ҳам ушбу йўналишдаги муҳим вазифалар қараб олинди. Мазкур ҳужжатларда белгиланган кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда сув омбори ва ирригация тизимларининг сув ўлчаш постларига сув ресурсларини кузатиб бориш имконини берувчи "Ақлли сув", мелиоратив қузувуд кудуғида сизот сувлари кўрсаткичлари ва ерларнинг минераллашганлик даражасини назорат қилувчи "DIVER", шунингдек, насос станцияларидан сув сарфини мониторинг қилиш қурилмаларини ўрнатил, йирк сув ҳўжалиги объектларининг бошқарувини автоматлаштириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Бу эса ўзининг натижаларини бера болади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, вазирлик ҳузурда Сув ҳўжалигини рақамлаштириш маркази ташкил этилди. "Suv hisobi", "Nasos stansiyalari" каби ахборот тизимлари яратилди. Бу борадаги ишлар қўламли келгусида ҳам тобора кенгайтирилади. Бинобарин, яқинда қабул қилинган тўрт йиллик дастурда ҳам соҳани рақамлаштириш бўйича янги вазифалар белгилаб берилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, қўшни давлатлар билан биргаликда фойдаланиладиган сув манбаларига рақамли сув ўлчаш қурилмаларини ўрнатиш, сувнинг ҳисобини онлайн ва шаффоф тарзда кузатиб бориш ташаббуси илгари сурилмоқда.

Президентимизнинг бевосита раҳбарлигида ва бекёёс кўмаги билан қўрилаётган чора-тадбирлар натижасида жамиятимизда сувни тежаш маданияти шаклланыпти. Бу эса қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажминини кўпайтириш, пировақарда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда қўшимча имкониятлар яратмоқда. Биргина 2024 йили иқтисод қилинган 8 млрд. метр куб сув такоррий экинлар етиштириш, аҳоли томирқаларини суғоришга йўналтирилгани бунинг яққол далилидир.

Шу маънода, Сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2025 — 2028 йилларга мўлжалланган дастурига мувофиқ, жорий йилда 10 млрд. метр куб, 2026 йилда 12 млрд. метр куб, 2027 йилда 13 млрд. метр куб, 2028 йилда эса 14 млрд. метр куб сувни иқтисод қилиш вазифаси қўйилгани алоҳида эътиборга молик ҳижатдир.

Сув улуг неъмат, таъбир жоиз бўлса, у бутун олам тирикчилигининг манбаидир. Президентимизнинг қўшилган билан муносабатларини яхшилаш, халқимизни сув билан таъминлаш, деҳқонларимизга зарур шарт-шароитлар яратиш бериш борасида олиб бораётган улкан сайё-ҳаракатлари замирида, аввало, сув ресурсларини самарали бошқариш ва ундан оқилона фойдаланиш орқали бутун минтақада сув муаммосини ҳал этиш мақсад-муздаоси муҳим ҳисоб бўлиб, бу эса ўзининг амалий натижаларини берапти. Бугунги фаровон ҳаётимиз, бозорларимиз тўқислиги, озиқ-овқат маҳсулотлари сероблиги бунинг ёрқин тасдиғидир.

Шавкат ҲАМРОЕВ, Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалиги вазири.

ЖСТ:

МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ВА МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО ТАЛАБЛАР

Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)га аъзо бўлиш мамлакатдан интеллектуал мулкни, жумладан, муаллифлик ҳуқуқи ҳимояси бўйича қатъий қоидаларга риоя қилишни талаб этади. Бу савдо қоидаларини уйғунлаштириш ҳамда ЖСТнинг барча аъзоларига тенг шароит яратиш учун зарур ҳисобланади. Ташкилотга аъзо бўлишни истаган давлатлар ўзининг миллий қонунчилигини муаллифлик ҳуқуқи соҳасидаги халқаро талабларга мувофиқлаштириш, шунингдек, ушбу ҳуқуқларни ҳимоя қилишининг самарали механизмини таъминлаши керак бўлади.

Мушоҳада

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан миллий қонунчиликни ЖСТ битимларига мувофиқлаштириш бўйича тизимли фаолият олиб боришмоқда. Хусусан, ўтган даврда интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш тизимини ЖСТнинг ТРИПС битими талабларига мувофиқлаштиришга алоҳида эътибор қаратилиб, бу бўйича муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

Кайд этиши жоиз, 2020 йил 26 майдаги "Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармонида кўра Санъаткор, ижодкор ва ижрочиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш палатаси ташкил этилди.

Бугунги кунда палата дунёнинг мулк ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқариш билан шуғулланиб келаётган 30 га яқин ташкилотлар билан халқаро ҳамкорлик шартномалари тузган. Шунингдек, ушбу ташкилотлар фаолият юритиладиган давлатларда ҳам ўз муаллифлари (ҳуқуқ эгалари) учун муаллифлик ҳақи йиғиш имконига эга бўлди.

Бу йил палата соҳани ривожлантириш йўлида халқаро миқёсда муҳим қадам ташлади. Яъни у Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) билан ҳамкорлик қилириб, ушбу ташкилотнинг ассамблеялари ва бошқа барча тадбирларида расмий қузатувчи мақомига эга бўлди. Бу ҳақида қарор

БИМТнинг 2025 йил июль ойида Женевада бўлиб ўтган йиғилишида қабул қилинди.

Маълумки, БИМТ — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 193 та аъзо давлатини ўз ичига олган ҳуқуматлараро халқаро иктисодлаштирилган ташкилот бўлиб, бутун дунё бўйлаб интеллектуал мулк масалалари билан шуғулланади. У интеллектуал мулк соҳасида халқаро қоидалар ва стандартларни ишлаб чиқади, патентлар ва товар белгилари билан муҳофазаланган интеллектуал мулк объектларини рўйхатдан ўтказиш бўйича хизматлар кўрсатади ва аъзо давлатлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантиради.

Юртимизда фаолият олиб бораётган палатанинг БИМТда расмий қузатувчи мақомига эришиши катта аҳамиятга эга бўлиб, Ўзбекистон ижодий соҳасининг халқаро майдондаги обрў-эътиборини оширишда стратегик имкониятларни тақдим этади. Шунга кўра палата БИМТнинг асосий йиғилишларида катнашиш, глобал муҳокамаларда ўз позициясини билдириш ва илгор таърибаларни мамлакатимизга олиб кириш ҳуқуқига эга бўлди.

Бугунги кунда палатанинг олдида муҳим вазифалар турибди. Яъни муаллиф ва ижодкорларнинг муаллифлик ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, уларнинг асарларидан ноқонуний фойдаланишининг олдини олиш, ҳуқуқ эгалари ва асарлар ягона рўйхатини шакллантириш, шунингдек, муаллифлик

ҳақини йиғиш ва тўланишини таъминлашда иштирок этишдир. Бинобарин, жаҳонда муаллифлик ҳуқуқи ижодкорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ижодкорлик соҳасини рағбатлантириш орқали ялли ички маҳсулотга сезиларли таъсир кўрсатади, мамлакатнинг иқтисодий ўсиши ва ривожланишига ҳисса қўшади. Масалан, БМТнинг ҳисоб-китобларига кўра 2022 йилда ижодий хизматларнинг глобал экспорти 1,4 трлн. долларни ташкил этган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич аънавий товарларга нисбатан тезроқ ўсиб бормоқда.

Муаллифлик ҳуқуқи ялли ички маҳсулот ишлаб чиқаришда, асосан, ижодий соҳалар ва интеллектуал мулк орқали муҳим вазифани бажаради. Бунда санъат, адабиёт, мусиқа, дастурий таъминот ва бошқа ижодий маҳсулотларни яратишни рағбатлантиради, кейинчалик эса бу маҳсулотлар тижоратлаштирилади ва экспорт қилинади, даромад келтиради ва иқтисодий ўсишга олиб келади.

Бу жараёни бир қанча йўналишларда кўриш мумкин: Ижодий товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш. Муаллифлик ҳуқуқи ижодкорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади, бу уларга китоб, мусиқа, фильм, дастурий таъминот ёки дизайн ечимлари сингари ўз асарларини сотишдан фойда олиш имконини беради.

Ижодий соҳаларни ривожлантириш. Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш иқтисодийнинг муҳим тармоқлари бўлган ноширлик, кино ишлаб чиқариш, мусиқа саноати, дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва бошқа ижодий соҳаларга сармоя киритиш фаолиятини рағбатлантиради.

Янги иш ўринларини яратиш. Ижодий соҳалар ижодий таркибини ишлаб чиқариш, тарқатиш, сотиш билан боғлиқ фаолиятда иш ўринларини яратади. Бу эса аҳолининг бандлиги ва даромадлари даражасига бевосита таъсир қилади.

Солиқ тушумлари. Ижодий соҳаларда олинадиган даромад солиққа тортилади, бу эса давлат газнасига ҳисса бўлиб қўшилади ва ижтимоий дастурлар ҳамда инфратузилма лойиҳаларини молиялаштириш учун манба бўлиб хизмат қилади.

Ижтимоий хизматлар экспорти. Муаллифлик ҳуқуқи мамлакатларга дастурий таъминот, фильм, мусиқа, дизайн ва бошқа ижодий маҳсулот ҳамда хизматларни экспорт қилиш имконини беради, бу эса валюта тушумлариини оширишга ёрдам бериб, савдо балансида ижодий таъсир кўрсатади.

Интеллектуал мулк соҳаси халқаро экспертларнинг ҳулосаларига кўра ижодий ва дастурий таъминот саноати ривожланган мамлакатларда муаллифлик ҳуқуқининг ялли ички маҳсулотдаги улushi бошқа мамлакатларга нисбатан кўпроқ ҳисобланади. Шу билан бирга, муаллифлик ҳуқуқига оид халқаро савдода фаол иштирок этувчи ва муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги тартиб-таомилларни қатъий қўлайдиган давлатлар ҳам иқтисодийта ушбу секторнинг юқори улшини намойиш этмоқда. Бу борада АҚШ, Хитой, Сингапур каби давлатларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистон ЖСТга аъзо бўлиш арафасида турган бир пайтда интеллектуал мулк, хусусан, муаллифлик ҳуқуқи соҳасининг самарали ишлаши ва мамлакатимиз ялли ички маҳсулотига муносиб улush қўшишини таъминлаш масаласи бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади. Палатанинг БИМТнинг расмий қузатувчи мақомида фаолият олиб бориши эса интеллектуал мулк соҳасини янада ривожлантириш, миллий асарларимизни дунё жамоатчилигига тақдим қилиб боришига кенг йўл очди.

Ойдин АБДУЛЛАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси расми ўринбосари.

МАҚСАД – ГЛОБАЛ МЕХНАТ БОЗОРИДА РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ

Бугунги кунда жаҳон миқёсида содир бўлаётган ўзгаришлар олий таълим тизимидан нафақат замонавий билим, балки глобал кўникмаларга эга, халқаро майдонда рақобатлаша оладиган мутахассисларни талаб этмоқда. Бу борада Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети олдидagi асосий вазифа — хорижий тилларни мукамал ўзлаштирган, илгор тафаккурли, халқаро меҳнат бозори талабларига жавоб бера оладиган кадрлар тайёрлашдир.

Таълим

ЎзДЖТУда амалга оширилаётган ислохотлар нафақат таълим мазмунини янгилаш, балки талабаларни мустақил фикрлайдиган, ташқи муҳитга тез мослаша оладиган ва жамият тараққиётида фаол иштирок этадиган шахс сифатида шакллантиришга қаратилган.

Шу йил 8 август кунги Президентимиз раҳбарлигида ўтказилган йиғилишда олий таълим муассасаларининг битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор берилди. Унда олий ўқув юртиларининг меҳнат бозорига интеграция даражаси, битирувчиларнинг келгусидаги фаолияти ва уларнинг рақобатбардорлиги асосий мезон сифатида белгиланди.

Университетимизда ҳам битирувчиларни манзилли ишга joyлаштириш, уларни илмий ва амалий ишларга жалб қилиш, хорижий компаниялар ва ташкилотлар билан ҳамкорликда стажировкалар ташкил этиш асосий мақсадга айланган.

Талаб юқори, масъулият катта

Сўнгги йилларда мамлакатимизда олий таълим қамрови сезиларли даражада кенгайди. Айниқса, сўнгги етти йилда қабул қовталари 4,5 баробар ошган бўлиб, қамров даражаси 42 фоизга етди. Бу эса таълим олиш имконияти кенгайтирилганини аниқлатади. Бирок, давлат раҳбари таъкидлаганидек, мутахассис тайёрлаш жараёни реал меҳнат бозори эҳтиёжлари билан тўлиқ мослашмас экан, бу рақамлар самарасиз бўлиши мумкин.

Шавкат Мирзиёев 8 август кунги бўлиб ўтган йиғилишда “BYD” каби йирик саноат корхоналарида кадр етишмаслиги туфайли чет эллик мутахассислар жалб этилаётганини айтarkan, бу каби муаммоларнинг олдини олиш учун олдидан тайёргарлик кўриш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Яқин 3-4 йилда иқтисодиётнинг турли соҳаларида 500 мингга яқин малакали кадрлар талаб қилинади. Демак, олий таълим тизими бозор эҳтиёжларини олдидан англайдиган ва унга мослашадиган тизимга айланиши лозим.

Бу фикрлар, шубҳасиз, университетимиз учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки биз тайёрлаётган кадрлар нафақат мамлакатимизда, балки халқаро меҳнат бозорида ҳам ўз ўрнини топиши зарур.

2023/2024 ўқув йилида олийгоҳимизни жами 4667 нафар талаба тамомлаган бўлиб, битирувчиларнинг 66,4 фоизи ишга joyлашган, ўқишини давом эттираётган, фарзанд парвариши билан банд ёки хориждаги фаолиятини танлаган. Қолган битирувчилар ҳозирда иш топиш жараёнида. Бу рақамлар биз учун таҳлил ва хулоса қилишга асос яратяди. Яъни талабани фақат диплом билан эмас, балки ишга тайёр ҳолда, замонавий кўникмалар билан қуроллантирилган ҳолда катта ҳаётга кузатиш — бугунги кун талаби.

2024/2025 ўқув йилида эса университетни жами 6244 нафар талаба — 5932 нафари бакалаврият, 312 нафари магистратура босқичи бўйича муваффақиятли тамомлади. Эътиборлиси шундаки, битирувчиларнинг 3061 нафари (58 фоиз) халқаро ва миллий тил билли сер-

тификатларининг “B2” ва “C1” даражаларига эга. Бу нафақат уларнинг касбий тайёргарлиги, балки халқаро иш бозорига чиқиш салоҳиятини ҳам намойён қилди. Шунингдек, 778 битирувчи магистратурада ўқишни давом эттириш учун ҳужжат топширган. 1788 нафари фриланс, онлайн таълим, хусусий шиматларда ўз-ўзини банд қилган, 622 нафари фарзанд парвариши билан шуғулланмоқда, 544 нафари иқтисодий соҳаларда ишламоқда.

Шубҳасиз, Президентимиз айтган муаммо — меҳнат бозори билан таълим ўртасидаги узилиш ҳар бир олий таълим муассасаси раҳбаридан амалий ечимлар талаб этади. Университетимизда бу йўналишда қатор муҳим қадамлар ташланмоқда. Жумладан, таълим дастурлари меҳнат бозори талабларига мослаштирилмоқда. Халқаро тажриба ва сертифицикатлаш ўқув

йўналишидаги олийгоҳлар ўз даромад манбаларини шакллантириш, таълим сифатини яхшилаш ва янги лойиҳаларни амалга оширишда юқори натижаларга эришмоқда.

Университетимизда ҳам молиявий мустақиллик берилиши таълимдаги янги стратегия ва мақсадли кўрсаткичлар, илмий фаолият ва хорижий ҳамкорлик сингари йўналишларда янги имкониятлар эшикларини очди. Молиявий эркилик университети талабалар сони ва таълим сифатини кўтариш, меҳнат бозорига талаб юқори бўлган тиллар бўйича янги таълим дастурларини жорий этиш, халқаро грантлар, лойиҳалар ва онлайн таълим шакллари ривожлантириш, ўқитувчиларнинг малакасини оширишга қаратилган маблағларни самарали йўналтириш имконини берди.

Айни пайтда университетда чет тилларини ўқитишга иختисослашти-



илмий тадқиқот ва маҳсулот сотиш — 30 балл, халқаро нашрларда мақолалар ва илмий салоҳият — 20 балл, грантлар ва лойиҳалар — 10 баллгача баҳоланади ва олийгоҳнинг молиялашуви шу натижаларга боғлиқ бўлади. Бу янгилик таълим муассасаларини рақобатбардош, натижага йўналтирилган, мустақил фикр ва ташаббусга асосланган ҳолда фаолият юритишга ундайди. Шунингдек, ижтимоий ва амалий йўналишдаги олийгоҳларни бир хил мезонлар билан баҳолаб бўлмаслиги ҳам инобатга олинб, тармоқ хусусиятларига мос рейтинг тизими ишлаб чиқилаётгани таъкидланади.

Янги тизимнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, олийгоҳлар энди ташкилий ва академик мустақиллик ҳуқуқига эга бўлади. Яъни бошқарув ҳодимларини тайинлаш, профессор-ўқитувчилар таркибини шакллантириш, молиявий қарорларни қабул қилиш ва “суперконтракт” миқдорини табақалашган ҳолда белгилаш олий таълим муассасаси раҳбарининг ўз ихтиёрида бўлади.

Бу каби ваколатлар фақат эркинлик эмас, балки масъулиятни ҳам талаб этади. Эндликда раҳбар номзодлар олийгоҳ кенгаши олдида ўз йиллик дастурини асослаб бериши шарт. Бу эса раҳбарият фаолиятининг очик ва ҳисобдорлик тамойилларига таянишини таъминлайди.

Яна бир муҳим ташаббус — абитуриентларнинг таълим олиш имкониятини янада кенгайтиришда уларга. Унга кўра абитуриентлар олийгоҳда ўқиш учун ўзлари танлаган бешта йўналишнинг бирортасига киролмаган бўлса, лекин бали бошқа олий ўқув юртидаги тўлмаган йўналишга тўғри келса, улар шартнома асосида ўқишга қабул қилиниши мумкин бўлади. Бу амалиёт — адолат, шафқатлик ва инсон капиталига эътиборнинг яна бир ифодасидир. Шунингдек, янгиликлар билан мақсадли ёшларни қўллаб-қувватлашда муҳим қадамдир.

Аниқ чора-тадбирлар реал натижа беради

Президент таъкидлаган муҳим масалалардан яна бири — ўзини ўзи банд қилган шахсларни ишга joyлашган деб ҳисоблаш амалиётини воз кечиш. Бу билан ҳар бир олийгоҳдан реал натижа, яъни битирувчиларни аниқ ва расмий иш жойи билан таъминлаш кутилмоқда. Ушбу мезон олийгоҳлар рейтингини ҳам муҳим ўрин тутяди.

Президент ёшлар бандлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Таъкидланганидек, бу йилги 92 минг битирувчиларнинг келгуси фаолияти учун муҳим чора-тадбирлар белгиланган. Улардан 20 минг нафари магистратура ва иккинчи мутахассисликда ўқишни давом эттиради, яна 20 минги Камбағалликни қисқартиратиш ва бандлик вазирилик орқали стаж талаб қилмайдиган ишларга joyлаштирилади.

Шунингдек, ҳар бир вилоятда ташкил этиладиган “Бизнес инку-

батор”лар тадбиркорлик, маркетинг, дизайн ва ахборот технологиялари соҳаларида 10 минг битирувчини иш билан таъминлаш имконини беради. Қолаверса, кимё, энергетика, геология, металлургия ва бошқа иқтисодиёт тармоқларида ҳам ёшлар учун кенг имкониятлар яратилади.

Молиялаштиришга ҳам катта эътибор қаратилган: “Ўзмиллий-банк” АЖ ва “Алоқабанк” АТБ 300 млн. доллар ажратиб, 20 минг битирувчининг бизнесини бошлашига қўмақлашади. 5 млрд. сўмгача 18 фоизли имтиёзли кредит нафақат бу йилги, балки ўқишни тугатганига уч йил бўлмаган битирувчилар учун ҳам берилади.

Университетимизда ҳам ёшлар бандлигини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Мисол учун, “Ўзмиллийбанк” АЖ ҳамкорлигида амалга оширилаётган “Келажакка қадам” дастурида 48 нафар битирувчи бизнес соҳалари билан иштирок этиди. Улардан 35 нафари ўз лойиҳаларини тақдим қилди ва шундан 20 нафар битирувчининг лойиҳалари 5 млрд. 138 млн. сўмга молиялаштирилди, натижада 41 та янги иш ўрни яратилди. Ташкил этилаётган бўш иш ўринлари ярмаркаси ва “Talaba Expo — 2025” тадбирлари ёшларни ишга joyлаштиришда катта ёрдам бўлмоқда. Бу ярмаркаларда 500 дан ортиқ иш ўринлари тақлиф этилди ва 150 нафар битирувчи ҳамда иш берувчи ўртасида меҳнат шартномалари имзоланди.

Президент йиғилишда уюлмаган ёшларни турли фойдали машғулотларга жалб қилиш, уларнинг касб ва тил ўрганиши, спорт ва ватанпарварлик тадбирларида иштирок этиши муҳимлигини таъкидлади. Университетимиз бу йўналишда ҳам аниқ ва тизимли қадамлар қўймоқда. Масалан, Сергели ва Учетена туманларидан 55 нафар уюлмаган йигит-қиз билан индивидуал ёндашув асосида ишлаш бўйича “Йул харитаси” тайёрланди.

Ёшларнинг спортга қизиқишини ошириш мақсадида 19 турда спорт тўғрисидаги олимпиада, 8 мингдан ортиқ профессор-ўқитувчи ва талабалар мунтазам машғулотларда қатнашмоқда. Спорт мусобақалари, маданий тадбирлар, бизнес ва инновацион лойиҳаларга жалб этилмоқда.

Бу ишлар ёшларнинг ижтимоий фаолигини ошириш, уларни жамиятга самарали интеграция қилиш ва келажакда муваффақиятли фаолият юритиши учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Сирасини айтганда, университет ёшлар бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш, уюлмаган йигит-қизларни ижтимоий фаолиятга жалб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Молиявий мустақиллик ва натижага қараб молиялаштириш тизимлари олийгоҳ фаолияти самардорлигини кўтаришга хизмат қилмоқда. Бу эса ёшларга замонавий билим ва малака бериш билан бирга, ишбилармонлик, ижтимоий қўллаб-қувватлаш имкониятларини ҳам тақдим этапти.

Зеро, хорижий тилларни ўрганган мутахассислар миллий ва халқаро меҳнат бозорида рақобатбардош бўлиб, уларни тайёрлашдаги самарали стратегиялар мамлакатимиз ривожига ҳам катта ҳисса қўшади.

Илхомжон ТЎХТАСИНОВ,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректори,
педагогика фанлари доктори,
профессор.

АГРАР СОҲА ЯНГИЛИКЛАРИ

Ширин картошка — бататнинг янги, «чучук» нави яратилди

Ўзбек олимлари Жанубий Кореянинг Сеул университети мутахассислари билан ҳамкорликда ширин картошка — бататнинг янги, “чучук” нави асос солдилар.



Бу ташаббус Уруғчиликни ривожлантириш маркази томонидан илгари сурилиб, нави яратиш жараёнига амалий қўмақ кўрсатилиб келинди. Таъкид шунки, бататнинг табиий ширинлик берувчи генлари ўчирилиб, ундан серхосил, тўйимли ва мазаси нейтрал маҳсулот олишга эришилди.

Айни пайтда ушбу ноёб нав Ўзбекистон иқлим шароитига мослаштирилмоқда. Шу билан бирга, янги картошка тури экологик ва агротехник синовлардан ўтказилмоқда. Мақсад — уни мамлакатимизда оммавий етиштиришга тайёрлаш ҳамда маҳаллий фермер ва агротехникларга инновацион ечимлар тақлиф этишдан иборат.

Янги нав Уруғчиликни ривожлантириш марказининг Тошкент вилоятидаги элита уруғчилик ҳўжалигига экилиб, дастлабки тажриба-синов ишлари бошлаб юборилди. Бу илм-фан ва инновациянинг қишлоқ ҳўжалигидаги муҳим ютуғи сифатида эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон анжир етиштириш бўйича етакчи ўринларда

АҚШнинг “World Population Review” нашри томонидан эълон қилинган анжир етиштирувчи давлатлар харитасида Ўзбекистон ҳам ўзининг муносиб ўрнини эгаллади.



БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра анжир, асосан, Осиё ва Африка минтақаларида етиштирилади. Туркия эса йирик ишлаб чиқарувчи давлатлар ичида етакчи ўринни эгаллаб келмоқда.

Маълумот учун, ўтган йили 27,2 минг тонна анжир етиштирилган бўлиб, ушбу кўрсаткич Ўзбекистоннинг мазкур йўналишда салоҳиятли ва барқарор ишлаб чиқарувчи давлатлар қаторида эканини кўрсатади.

Ғалладан бўшаган ерлар даромад манбаига айлантирилмоқда

Деҳқон ерга қанчалик меҳр бериб, ундан оқилона фойдаланса қутилган натижани олади. Бунда ерга тақрорий экинлар экиш ва парваришга эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади.



Қишлоқ ҳўжалиги вазирилик ҳузуридаги Қишлоқ ҳўжалиги экинлари навларини синаш марказига қарашли Уйчи нави синаш станциясида жорий йил ғалладан бўшаган 19,5 гектар майдоннинг 10 гектарига маккажўҳори, 6 гектарига мош ва 3,5 гектарига мойли экинлар экилиб, парвариш қилинмоқда.

Ушбу майдонлардаги экинлар (туридан келиб чиқиб) гектарига 200 кг. фосфорли, 300 кг. азотли ва 100 кг. калийли минерал ўғитлар билан озиклантирилиб, босқичма-босқич суғорилди. Касаллик ва зараркундалар билан зарарланишининг олдини олиш мақсадида эса баргдан озиклантириш ва кимёвий препаратлар билан профилактик ишловлар амалга оширилмоқда.

«Халқ сўзи».

МАҲСУЛОТЛАР КЎПАЙТИРИЛИБ, НАРҲ БАРҚАРОРЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Газетамизнинг шу йил 11 июль сонидаги “Гўшт арзон бўлади, аммо...” мақоласида кўтарилган масалаларга Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирилик томонидан расмий муносабат билдирилди. Вазиr ўринбосари Ж. Абдизухуров имзоси билан келган жавоб хатида айтилишича, мазкур мақола вазиrлик мутахассислари томонидан атрофлича ўрганиб чиқилиб, республикада чорвачилик тармоқларини ривожлантириш, гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш ҳамда нарх барқарорлигини таъминлаш мақсадида тақлифлар ишлаб чиқилган.

«Халқ сўзи»да чоп этилган...

Жавоб хатида, жумладан, шундай дейлади:

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш натижасида устувор йўналишлар кесимида эришилаётган асосий кўрсаткичлар ва индикаторлар”нинг 1.3-бандида умумий экин майдонлари таркибида озуқа экинлари майдонлари улushiни 2030 йилда 15 фоизга етказиш топшириги берилган.

Сўнгги йилларда қишлоқ ҳўжалиги соҳасида экинларни диверсификациялаш, жумладан, фермер ҳўжалиklarининг пахта ва ғалла

(лаلمي ерларга 2022 йилдан беда ва маҳсар экиш бошланган), тақрорий майдон 45,4 минг гектарга кўпайиб, озуқа етиштириш ҳажми 3,7 млн. тоннага ошган.

Айни пайтда чорвачилик ҳўжалиklarида 543 та гидропоника усулида йилга 20 минг тонна кўк масса етиштириш йўлга қўйилган. Бундан ташқари, ҳозирги кунда вазиrлик томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазиrлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимларининг 2026 йил ҳосили учун қишлоқ ҳўжалиги экинларини оқилона joyлаштириш бўйича тақлифлари олинб, озуқабоп экинлар майдонларини янада кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, республикада чорвачилик тармоқларини ривожлантириш, гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш ҳамда нарх барқарорлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги тақлифлар ишлаб чиқилди: аҳоли хонадонлари ҳамда чорвачилик ҳўжалиklarини барча турдаги чорва озуқалари билан таъминлаш бўйича ҳар бир ҳудудда биттадан, жами 13 та “Озуқа сервис” марказини ташкил этиш ва уларга 200 гектардан суғориладиган ер майдонлари ажратиш; озуқабоп экинларнинг янги нав ва дургайларини яратиш, бошланғич уруғчилик ишларини олиб бориш ва етиштиришни ташкил этиш бўйича Озуқабоп экинларини етиштириш ва уруғчилигини ривожлантириш илмий-тадқиқот институтини ташкил этиш; пах-



та-ғаллачилик ва бошқа йўналишдаги фермер ҳўжалиklarи ва қишлоқ ҳўжалиги корхоналарида Франция тажрибаси асосида камиди 30 бошли кичик чорвачилик ҳўжалиklarини йўлга қўйиш шарти билан ўзларига тегишли қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерларнинг дала четларида ички ҳўжалик ер тузиш лойиҳасига мувофиқ, 20 сотихдан кўп бўлмаган ўлчамда молхона ва озуқаларни сақлаш объектларини қуришга ружаст бериш.

Мазкур тақлифлар Вазиrлар Мақмажасига тақдим этилган “Чорвачилик тармоқини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва соҳада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори лойиҳасида (ID — 4317, 23.07.2025 йил, 01/25-2-04/1930-сон) ўз аксини топган.

Юқоридagi чора-тадбирларнинг ҳаёбта татиқ этилиши натижасида аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини яхшилаш ҳамда ички бозорда нархлар барқарорлигини ҳам таъминлаш имкони яратилади”.

«Халқ сўзи».

БАХТИМ «ОЛТИН ВОДИЙ»ДА ЭКАН...

Ким тўқис яшашни истамайди, дейсиз. Аммо тўқис яшайман деб, ўзини ўтга-чўққа уравериш ҳам ярамайди. Қўргонтепалик Аня Бўронова ҳам катта пул илинжида яқинларининг гапига қулоқ солмай Россияга йўл олди. Аёл боши билан бегона юрда тишини-тишига қўйиб ишлади. Бироз даромадга ҳам эга бўлди. Лекин ўзи орзу қилган маблағни топа олмади. Уйини соғинди, қишлоқдошлари кўз ўнгидан ўтди. Ва биргина телефон кўнғироғи сабаб Аня ҳеч иккиланмай жонажон маҳалласи Олтин водийга қараб гўё "учди". Уни маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси излаган эди...



Орамиздаги одамлар

Кўргонтепа туманидаги Олтин водий маҳалласи энг чекка ҳудудлардан ҳисобланади. Бир пайтлар бу ерда ишсизлик кўп, даромадди иш жойлари кам эди. Аммо сўнгги йилларда бу манзил буткул ўзгарди. Эндиликда маҳалла ўз номига монанд олтин водийга айланди. Бу ерда иш қидириб юрганлар энди иш берувчига айланди. Қишлоқда яшайдиган хотин-қизлар ҳам ўз бизнесини йўлга қўйиб, бошқаларга намуна бўлмоқда. Биз ҳикоя қилаётган Аня Бўронова ана шундай тadbиркор аёллардан бири.

гулчилик билан шуғулланишга киришдим. Аняхоннинг ишлари шу тариха юришиб кетди. Харидорлар ўзлари излаб келадиған бўлиб қолди. Уйдан чиқмай туриб ҳам даромад топиш мумкинлигини кўрган қўшнилар бирин-кетин унга эргашди. — Ундаги шижоат маҳаллий ҳокимлик эътиборини тортиди, — дейди Олтин водий маҳалласидаги ҳоким ёрдамчиси Достонбек Дехқонов. — Натихада 1 гектар ер майдони ажратилди. Айни пайтда бу ерда иссиқхона барпо этиш ишлари олиб борилмоқда. Хонадонидидаги 6 сотихдан иборат иссиқхонасида эса ишлар авжирди. Бу ерда 15 нафар хотин-қиз иш билан таъминланган. Улар ҳар ойда 3,5-4 миллион сўм даромад ишлаб топмоқда. Аняхоннинг бир ойлик даромади эса ўртача 25 миллион сўмни ташкил этапти. Бунга осонликча эришгани йўқ, албатта. Дастлаб ички бо-

зорни ўрганди. Харидорлар эҳтиёжига мос гул кўчатларини парваришлади. Айниқса, Жанубий Корея, Нидерландия ва Хитой давлатларидан ноёб кўчатларни олиб келган, ишлари янада юришиб кетди. Ҳозирги кунда харидорлар мақбул кўчатларни уйига келиб олиб кетмоқда. — Маҳалламизда Аня Бўроновадан сабоқ олиб, гулчиликка асос солганлар сони 200 дан ошиб кетди, — дея фикрини давом эттиради "Олтин водий" МФЙ ҳоким ёрдамчиси Достонбек Дехқонов. — Йил бошида қайд этилган 42 нафар ишсиз маҳалладошнинг барчаси бинойидек гулчига айланди. Маҳаллада тўпланган бой тажрибадан сабоқ олишиб, мустақил равишда даромад топа бошлашди. Эътиборли жиҳати шундаки, улар нафақат ички бозорда, балки қўшни давлатларда ҳам ўз харидорларига эга.

Тўғри, маҳалла драйверига айланган гулчилик билан шуғулланиш ҳаммининг йўлга қўйиб келавермайди. Шу боис 2700 нафар аҳолининг чорвачилик, томорқачилик ортидан даромад топиши учун барча имконият ишга солинди. Хуллас, кечагина чекка ва кам имкониятга деб қаралган Олтин водий маҳалласи бугунги кунда ўз меҳнати ва ҳамжихатлиги тўғрисида бандлик ва фаровонлик сари қадам ташлаётган тadbиркорлар масканига айланмоқда. Зотан, бугун Олтин водий ўз меҳнати билан бойиган, эртанги кунга комил ишонч билан ишаётган одамлар маҳалласидир. **Саминхон ҲУСАНОВ** («Халқ сўзи»).



Боксчиларимиз жаҳон чемпионатида қатнашади

4 – 14 сентябрь кунлари Англининг Ливерпуль шаҳрида бокс бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтади. Куни кеча Ўзбекистон эркаклар терма жамоаси дунё биринчилигига пухта тайёргарлик кўриш учун "туманли Альбион"га жўнаб кетди.



Режага биноан боксчиларимиз мусобақа олди-дан Шеффилд шаҳрида сўнгги йилнинг ўтказида. Бу маҳаллий об-ҳавога мослашишни ҳам кўзда тутган бўлиб, мазкур йилнинг 20 нафар спортчи жалб этилган. Машгулотлар якунида жаҳон чемпионатида қатнашувчи якуний таркиби аниқлаб олинди. Шунингдек, 20 август кунини Элшод Расулов бошчилигидаги аёллар терма жамоамиз ҳам Англияга йўл олиши режалаштирилган.

Бутунжаҳон спорт ўйинларидан — 11 та медаль

Хитойнинг Ченгду шаҳрида ўтказилган Бутунжаҳон спорт ўйинлари мамлакатимиз спорт делегацияси учун муваффақиятли якунланди.

Нолимпия спорт турлари бўйича уюштирилган мазкур мусобақада юртдошларимиз самбо, ушу ва кикбоксинг спорт турларида шохсуспага кўтарилди. Хусусан, атлетларимиз 3 тадан олтин ва кумуш, 5 та бронза — жами 11 та медаль жамғариб, 118 та мамлакат орасида 26-натижани қайд этди. Самбо бўйича баҳсларда Г. Уроқова, Ш. Азатова ва аёллар терма жамоаси олтин медаллар билан тақдирланди. Ф. Бобоқулова, М. Абдуллаева ва Д. Латиева (ушу таолу) кумуш, А. Содиқов, Х. Баратов (кикбоксинг "К1"), самбо бўйича Ўзбекистон эркаклар терма жамоаси, М. Салоҳиддинова, Ш. Кушаев бронза медалларини қўлга киритди.



«Насаф» ва «Андижон»нинг рақиблари маълум

2025-2026 йилги Осиё Элит чемпионлар лигаси ва 2-чемпионлар лигаси учун қурыа ташлаш маросими Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида ўтказилди. Мазкур икки мусобақада мамлакатимиз шарафини суперлига чемпиони "Насаф" ва мамлакат кубоғи соҳибини "Андижон" жамоалари ҳимоя қилади.



"Насаф" клуби бир давралик сафар ва уй учрашувларида "Трактор" (Эрон), "Ал-Шорта" (Ироқ), "Ал-Вахда", "Шабаб Ал-Аҳли", "Шаржа" (барчаси БАА), "Ал-Хилол", "Ал-Аҳли", "Ал-Иттиҳод" (барчаси Саудия Арабистони) каби жамоаларга қарши майдонга чиқади. Халқро майдонда илк марта қатнашадиган "Андижон" 2-чемпионлар лигаси баҳсларини "В" гуруҳида ўтказиб, "Ал-Аҳли" (Қатар), "Арқадаг" (Туркманистон), "Ал-Ҳалидия" (Баҳрайн) жамоалари билан кейинги босқич учун кураш олиб боради. Ҳар икки мусобақага 15-16 сентябрь кунлари старт берилди ва голиблар 2026 йилнинг май ойида аниқланади.

Суннатилла ИСЛОМОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

НОННИНГ УВОҒИ ҲАМ НОН!

Бугуннинг гапи

— Яқинда Зарифа Саидносированинг "Ойбегим менинг" асарини ўқидим, — деб қолди гиждувонлик 80 ёшли отахон Ҳаким Ражабов. — Унда юракни "жиз" эйтирувчи лавҳалар кўп. Лекин китобдаги бир ҳолат тафсилотини айтмасам кўнглим жойига тушмайди.



Бир умр мактабда ёшларга сабоқ берган бу кекса адабиёт муаллимининг суҳбати ҳаммаша мароқли. Шу боис жон қулоғимизни тутдик. — Биласиз, Зарифа опа буюк ёзувчимиз Мусо Тошмухаммад ўғли Ойбекнинг рафиқаси бўлади, — давом этди Ҳаким ота. — Асарда ёзилишича, адиб кўнларнинг бирида ижод қилаётиб, "Зарифа, қорним оч, жуда очикқим", дейди. Уй бекаси мушкул аҳволга тушади. Чунки уйда егани бир бурда нон ҳам йўқ эди. Шунда Зарифа опа хужрадаги халталарни титкилаб, бир ховуч йирик кепак топади. Шакар қўшиб қовуради-да, уни дастурхонга тортади. Номинималиги номаълум бу таомдан Ойбек бир чимдим еб, рафиқасига "Сен ҳам ол" дейди. Аммо очикқанига қарамай, Зарифа опа таомга қўл қўзмайди. Уни эрталабки нонуштага, болалари учун қолдиришади. Қаранг, нон — улугъ неъматлиги, фаровон ҳаёт қадру қиммати ҳақида бундан ортиқ сермазмун, тасвирли ҳикоя бўлиши мумкинми?!

— Шукрки, тинч, фаровон замонда яшаймиз, — дейди яна бир суҳбатининг дошимиз, ромитанлик меҳнат фахрийси Зухра Қурбонова. — Бозорларимиз тўқин, пештахталардаги ширмой нону патирларни айтмай-сизми? Аммо бу азиз неъматнинг қадрига ҳам етиш керак. Нон қадри ҳақида тўхталишимиз бежиз эмас. Афсуски, юртимиз тўқин-маъракаларида озик-овқат махсулотларини, жумладан, нонни исроф қилиш давом этапти. Ушатишгану аммо қўл ҳам урилмаган, орадан бир-икки соат ўтиб суви қочган нон бурдалари қолга солиниб, чорва молларига берилаётган ёки ташлаб юборилаётган ҳолатлар учрайди. Йирик шаҳарлардаги ахлат тўплаш майдончаларидаги манзара эса янада ачинарли. Бу ердаги қотган ва ҳатто могорлаган бус-бутун нонларни кўриб, "дод" — аччиқ ўйга толасан киши. Орамизда "Эҳтиёждан ортиб қолган нон нест-нобу деб бўлаётгани йўқ. Улар қорамолларга бериляпти", дея эътироз билдираётганлар ҳам учраши мумкин. Аммо наҳотки, улар нон

инсон учун энг бебаҳо неъмат эканини англаши шунчалик қийин?! Ахир у дастурхонимиздан жой олгунга қадар қанчадан-қанча киши меҳнат қилади-ку. Минг бир машаққат билан етиштирилган галланинг унга, кейин эса нонга айлангани учун жуда катта куч, энергия, маблағ сарфланган, ахир. Қолаверса, дунёнинг қай бир чеккасида, дейлик, Ҳазода юзлаб одамлар, бегуноҳ болаларнинг бир бурда нонга зорлиги, очликдан нобуд бўлаётгани аччиқ сабоқ эмасми?!

— Кўп нарса оиладаги муҳитга, тарбияга боғлиқ, — дейди З. Қурбонова. — Агар ҳар бир ота-она фарзандлари онгу шуурига ноннинг увоғи ҳам нон эканини сингдирса, бу борада ўзи болаларига ўрнак кўрсатса, мақсадга мувофиқ бўларди. Ўз навбатида, муаллимлар, кутубхоначилар уларда Зарифа Саидносированинг асарига ўқуш нон, тинчлик, тўқинчилик қадру қиммати ни англатувчи китобларни ўқишга рағбат уйғотса, биз юқорида тилга олган но-хуш ҳолатлар барҳам топишига ҳисса қўшган бўларди, албатта.

Айтмоқчимизки, ноннинг қадрига етиш, унинг бурдасини ҳам исроф қилмаслик халқимиз қадриятларининг ажралмас бир бўлагига айланган. Бу қадриятга путур етказмаслик барчамизнинг бурчимиз эканини унутмайлик!

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

Ибрат

Пахтачи туманидаги Тadbиркор маҳалласи аёллари шифобахш асал етиштириб, эларо машхур бўлиб бормоқда. Эътиборли жиҳати, аёллар асаларичиликни маҳалланинг драйверига айлантиришган.



Аёл асаларичилар маҳалласи ҳақида эшитганмисиз?



Масалан, Зухраҳон аяни олайлик. Бу тиниб-тинчимас аёлни ҳеч ким 60 ёшни қаршилаган демайди. Онахоннинг айтишига қараганда, маҳаллада аёллар асаларичилик сир-синоатини пухта эгаллашган. Ҳозирда деярли барча хонадонларда 5-6 қутидан асалари парваришланади. 20 нафар қишлоқ аёли ҳовлисида 15 қутидан то 30 қутигача асалари оиласи бор. — Асаларичилик меҳнати оғир, ўзига яраша қийинчиликлари бўлгани билан даромади ҳам шунга яраша, — дейди Зухра Муҳаммадиева. — Масалан, биз ўзимиз ҳар йили асал етиштириб, ўртача 15 — 20 миллион сўм қўшимча даромад оляемиз. Асаларичилик аёллар учун қизиқарли ва қулай касб эканини хотин-қизларимиз аллақачон исботлашган. Сабаби, асалари тозалани киши кўради. Саранжом-сарийта жойда яхши ривожланади. Шу жиҳатдан, бу касб аёлларга жуда мос келади. 70 ёшдан ошган Шаҳзода ая ҳам асаларичиликда яхши тажриба тўплаган, касбнинг миридан-сиригача билади. Набираларини ҳам ари боқишга ўргатмоқда.

— Бу касбни қишлоқда асаларичиликни кенг ёйган Муҳаммад бобомдан ўрганганман, — дейди Шаҳзода Муҳаммадиева. — Асални, асосан, ўзимиз ва яқинларимиз учун етиштиришимиз, эҳтиёжмандаларга берамиз. Ундан ортсагина сотамиз. Маҳалламиз аёллари асаларичиликнинг ҳадисини олган, десам, хато бўлмайди. Бу касбнинг сир-асорини бошқа маҳаллалар хотин-қизларига ҳам ўргатишмоқда.

Энг фаол асаларичилардан бўлган Саодат опа Абдуллаева асалнинг инсон организмидан фойдалани жиҳатлари ҳақида тўхталди. Аҳамиятлиси, пандемия даврида қишлоқда бирон киши коронавирус билан касалланмагани, ҳозирда ҳам маҳаллада ётиб қолган оғир беморлар йўқлиги, барча кекса ёшдагилар бардам, бақувватлигининг сабаби асал билан боғлиқ эканлигини таъкидлайди.

— Бежиз асални минг дардага даво дейишмайди, — дейди Саодат Абдуллаева. — У иммунитетни кўтарди, организмни тозалайди. Айтсам ишонмайсиз, узок-қунидан одамлар атайин келиб асаларимизга ўзларини қақтириб кетишади. Асаларининг захри ҳам шифо-да.

Пахтачи туманидаги Тadbиркор маҳалласи аёллари уй-рўзгор, томорқа ишларидан ортиб асаларичилик билан ҳам шуғулланишининг уйдасидан чиқаётгани ибратга молик, албатта. Оилалар тўқинлиги ва фаровонлигига ўз ҳиссасини қўшаётган бу тadbиркор аёллар тажрибаси маҳаллалар ўртасида кенг ёйишга аризуликдир.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ («Халқ сўзи»).

Ўзбекистон ва Германия тиббиёт муассасалари мутахассислари бариатрик жарроҳлик соҳасида халқаро стандартларни жорий этади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 842. 10 709 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.



Таҳририятга келган қўғамалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг тақриб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нарийёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 55-уй. Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров. Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нарийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.20 Топширилди — 02.05 1 2 3 4 5 6